БЕШЙИЛЛИК ЗАРБДОР МЕҲНАТ ВАХТАСИДА

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 25 (6143).

4 ФЕВРАЛЬ ШАНБА 1978 ЙИЛ.

Баҳоси 2 тийин.

Л. И. БРЕЖНЕВ АЛИ НОСИР МУҲАММАД БИЛАН СУҲБАТЛАШДИ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев СССРга расмий дўстона визит билан келган Миллий фронт бирлашган сиёсий ташкилоти Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Яман халқ демократик республикасининг Бош министри Али Носир Муҳаммадни 3 февраль куни Кремлда қабул қилди.

Дўстлик, рўй-ростлик ва ҳамжиҳатлик вазиятида ўтган суҳбат вақтида Совет—Жанубий Яман муносабатларида ва уни янада ривожлантириш истиқболлари, шунингдек Яқин Шарқдаги, Африка Мугузи районидаги аҳвол ва бошқа баъзи муҳим халқаро проблемалар муҳокама қилинди. Фикрлашиб олиш чоғида муҳокама этилаётган масалалар ҳусусида фикрларнинг муштараклиги қайд этилди.

Л. И. Брежнев ва А. Н. Муҳаммад СССР билан ЯХДР ўртасидаги дўстона муносабатларнинг ва ҳар томонлама самарали ҳамкорликнинг муваффақиятли ривожланиб бораётганлигидан мамнуният изҳор қилдилар. Ҳар икки томоннинг СССР билан ЯХДР ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни такомиллаштириш ва чуқурлаштириш учун биргаликда куч-ғайрат сарфлашга астойдил аҳд қилганлиги таъкидлаб ўтилди.

А. Н. Муҳаммад ЯХДР, Миллий фронт бирлашган сиёсий ташкилоти раҳбарлари ва бутун Жанубий Яман халқи номидан КПСС Марказий Комитетига, Совет ҳукумати ва Совет Иттифоқи халқларига Яман халқ демократик республикасига ёрдам ва мадад бераётганликлари учун сидқидилдан ташаккур изҳор қилди. Совет Иттифоқи билан ҳар томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашга ЯХДРда муҳим аҳамият бермоқдалар деб таъкидлади у.

Халқаро масалаларни муҳокама қилиш чоғида Яқин Шарқдаги аҳволга алоҳида эътибор берилди. Миср билан Исроил ўртасидаги сепарат музокаралар натижасида бу ерда яна мураккаб вазият вужудга келди.

Совет Иттифоқи билан Яман халқ демократик республикаси бу музокаралар араб халқларининг Исроил агрессияси оқибатларини тугатиш учун олиб бораётган курашига зарар етказади ҳамда Яқин Шарқда мустаҳкам ва адолатли тинчлик ўрнатилишига тўсқинлик қилади, деган яқдил фикрдадирлар.

Л. И. Брежнев билан А. Н. Муҳаммад Африка Мугузи районидаги аҳвол ҳусусида шуни таъкидладилар, бу райондаги ҳарбий можаро империалистик ва реакцион кучлар тегирмонига сув қуяди, бу кучлар Африка қитъасида ҳунрезлик урушларини авж олдириш йўли билан тараққийпарвар режимларни тугатишга, Африка халқларининг миллий-озодлик харакатини бостиришга уринмоқдалар. Совет Иттифоқи билан Яман халқ демократик республикаси шунга амин дирларки, Африка Мугузидаги можарони тинч йўл билан бартараф этиш шу райондаги барча давлатлар ўртасида яхши қўшничилик муносабатларини бир-бирларининг ички ишларига аралашмаслик ҳамда давлатларнинг суверенитети ва территориал бутунлигини ўзаро ҳурматлаш асосида ривожлантиришга ёрдам беради.

Л. И. Брежнев билан А. Н. Муҳаммад Совет Иттифоқи ва Яман халқ демократик республикаси раҳбар партия ҳамда давлат арбоблари ўртасидаги мунтазам учрашувлар иккала мамлакат ўртасида ишончни мустаҳкамлашга ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантиришга кўмаклашаётганлигидан ҳар иккала томон мамнун эканлигини изҳор қилдилар.

Суҳбатда КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг референти Е. М. Самотейкин ҳозир бўлди.

Суратда: суҳбат пайти.

В. Мусазльян фотоси. (ТАСС — ЎзТАГ телефотоси).

ПРОПАГАНДИСТНИНГ ЮКСАК БУРЧИ

«Пропагандист сифатида партиянинг энг муҳим қарорларидаги ҳар бир моддани, уларнинг ҳар бир сатрини ўз тингловчиларим қалбларига етказишни, улар олган билимни амалий ишларда намоён бўладиган қилишни ўз вазифам деб биламан». Яқинда Минскда бўлиб ўтган пропагандистлар республика слётининг минбаридан туриб «Полимир» бирлашмаси цехининг бошлиғи Е. А. Панютин шу сўзларни айтганди. Лекин партиянинг марксча-ленинча назарияси ва сиёсатини пропаганда қилиш, меҳнаткашларни гоявий ва ахлоқий тарбиялаш, уларга иқтисодий билим беришдек фахрли ва масъулиятли ишга даҳлдор бўлган кишиларнинг кўплари шу гапларни тўла асос билан такрорлай олиши мумкин бўлур эди.

Партия пропагандисти идеология ишимизда марказий кишилардан бўлиб келди ва шундай бўлиб қолмоқда. Унинг куч-ғайратлари, унинг билими ва маҳорати, тингловчиларни ўзига ром қила билиши, уларга ўз билими ва чуқур коммунистик эътиқодини ўтказа билиши миллион-миллион совет кишиларининг онг ва маданият савиясини, гражданлик масъулиятини кўп даражада шакллантиради, КПСС XXV съезди қарорлари муваффақиятли амалга оширилишига ёрдам беради.

Ўртоқ Л. И. Брежнев «Улуғ Октябрь ва инсоният тараққиёти» деган докладида бундай деган эди: «Ҳар бир кишини юксак ижтимоий мақсадларга интиладиган, гоявий эътиқодли, меҳнатга чинакам ижодий муносабатда бўладиган қилиб тарбиялаш энг муҳим вазифаларнинг биридир. Коммунизм учун курашнинг жуда муҳим фронти мана шу йўлдан ўтади. Иқтисодий қурилишнинг бориши ҳам, мамлакатнинг социал-сиёсий ривожланиши ҳам шу фронтдаги ғалабаларимизга тобора кўпроқ боғлиқ бўлаверади».

Хўш, бугунги кунда шу жуда катта аҳамиятга молик вазифа қандай ҳал этилятпи? Практика кўрсатаётган мингларгаб мисоллар пропагандачилик куч-ғайратлари гоятда таъсирли чиқаётганлигидан далолат беради. Идеология фронтининг активлари Марказий Комитетининг «КПСС XXV съезди қарорлари асосида партия ўқишининг вазифалари тўғрисидаги қарорини амалга ошира борибб, сиёсий ва иқтисодий ўқиш жараёнида тингловчилар эгаллайдиган билим уларнинг дунёқарашида ажралмас бир қисм бўлиб қолиб, ҳар бир кишида актив ҳаётий позиция, ижтимоий бурча онгли муносабатда бўлишни шакллантирмоғи, меҳнатда новаторлик изланишларига ундамоғи учун кўп ишлар қилмоқдалар.

Масалан, мамлакатда яхши маълум Москва электр лампа заводи бирлашмасини олайлик. Бу ерда пропагандистларнинг актив ёрдами ва кўмаги билан бултурнинг ўзидагина 1.952-муқобил план 4.243 индивидуал социалистик мажбурият, 734 шахсий иқтисодий тежаш ҳисоб-китоби ишлаб чиқилди. Меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, материал ва ним фабрикатларни тежаш ҳаракатида бирлашманинг амалда ҳар бир ходими қатнашмоқда. Ўқиш билан ҳаётнинг чамбарчас алоқа намунаси, пойтахт партия ташкилотида: «Пропагандистларнинг билими, гоявий эътиқоди, ташкилотчилик истеъдоди — беш йилликка хизмат қилсин!» деган синалган шиорнинг муносиб амалга оширилиши шу эмасми!

Бу йилги ўқув йили идеология фронти активларининг ижодий ташаббуси учун айниқса қулай имкониятлар яратувчи шароитларда ўтмоқда. Советлар мамлакатининг янги Конституцияси, СССР Олий Совети еттинчи сессияси ҳамда Улуғ Октябрнинг 60 йиллигига бағишланган тантанали мажлис материаллари, партия Марказий Комитетининг 1977 йил декабрь Пленуми қарорлари ҳамда КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Мактуби, ўртоқ Л. И. Брежневнинг докладлари, нутқлари ва мақолалари ҳаётимизга XXV съезднинг жамиятни социал-иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан янада ривожлантириш, оммани коммунистик рухда тарбиялашдан иборат асосий вазифаларини амалга ошириш йўлларини белгилаб берувчи муҳим программавий ҳужжатлар сифатида кирди. Мана шу ҳужжатларнинг новаторлик моҳиятини, революцион руҳи ва қудратли бунёдкорлик шавқини ҳар бир кишининг онгига етказиш, уларни янги-янги меҳнат зафарларининг илҳом бахш омилига айлантириш—пропагандистларнинг бурчидир.

Муваффақиятга эришмоқ учун мактаб, сиёсий тўгарак ва назарий семинарларнинг раҳбарлари машғулотларни ўтказиш актив методларини дадилроқ эгаллашлари, тингловчиларда сиёсий ўқишга, ижтимоий ҳодиса ва жараёнларни, коллектив олдига қўйилган вазифаларни ижодий идрок этишга қизиқиш уйғотмоқликлари керак. Амалий топшириқлар, рефератларни коллектив бўлиб муҳокама қилиш, конкрет вазифаларни анализ қилиш каби ишларнинг ҳаммаси провард мақсад бўлиб қолмай, мусобақада ишланишга ундовчи, меҳнатнинг гоятда сифатли ва самарадор бўлишига, ишга ҳақиқатан унинг кўзини билиб ёндошишга йўлловчи омил бўлиб қолмоғи керак. Гоявий ва ахлоқий таъсир ўтказишнинг хилма-хил воситаларини қўллаб кишиларда хўжасизликка ва консерватизмга, бюрократизм кўринишларига, ҳаётга мешчанларча шахсий манфаатни кўзлаб муносабатда бўлишга, ичикликбозлик ва безориликка, социал текинхўрлик, империалистик ва ревизионистик пропагандининг уйдирмаларига ва бўхтонларига жанговар муросасизлик руҳида тарбияламоқ зарур.

Буларнинг ҳаммаси таълим-тарбия жараёни савияси ва сифатини янада оширишни назарий ва методик тайёргарликни ҳамма чоралар билан такомиллаштиришни тақозо қилади. Партия комитетлари, сиёсий маориф уйлари ва кабинетлари, иқтисодий таълим кенгашлари самарали ишлаш учун машғулотларнинг раҳбарларига зарур шарт-шароитларни яратиб беришлари лозим. Доимий ишловчи семинарлар ҳақиқий пропагандистлик маҳорати мактаби бўлиб қолмоғи керак. Амалий тажриба алмашишни йўлга қўйишга, техника воситалари, кўргазмали қуроллардан интенсив фойдаланишга имкон берувчи бирлашган информацион пропаганда марказларини яратиш практикаси ҳар томонлама кўллаб-қувватлашга сазовор.

Кундалик ва талабчан партия контроли ҳам ниҳоят муҳим, албатта. Яқинда «Правда»да келтирилган фактга кўра, Душанбе «Обшепит» трестининг айрим пропагандистлари ҳеч қанақанги машғулот ўтказмаган бўлсаларда, шундай машғулотлар бўлди, деб ҳисоб берганлар. Редакция почтасидаги баъзи мактубларда ўқишга расмиятчилик, юзакачилик билан ёндошув ҳоллари тўғрисида хабар қилиндаи. Бу нарса пишиқ-пухта равшан бўлмоғи керакки, сиёсий маорифда кўзбўямачиликка тоқат қилиб бўлмайди.

Дастлабки марксистик тўгараклардан, Ленин партияси бунёд этилганидан бери халқ пропагандист деган юксак номга меҳру-муҳаббат билан қараб келади. Бугунги кунда шу гоят муҳим партия топшириғи ишонилган кишилар уни муносиб бажарсинлар! Улар кишиларни беш йилликнинг учинчи йилида зарбдор меҳнатга, буюк коммунистик бунёдкорлик ишида янги-янги зафарларга сўз ва иш билан илҳомлантираверсинлар!

[«ПРАВДА»нинг 2 февраль сонидаги бош мақоласи].

ҚАШҚАДАРЁНИНГ 550 МИНГ ТОННА ПАХТАСИ УЧУН

ҚАРШИ, 3 февраль. (ЎзТАГ). Бугун бу ерда Қашқадарё области қишлоқ хўжалик ходимларининг қурултойи бўлиб ўтди. Қурултой қатнашчилари 1977 йилги иш якунларини ҳамда КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг социалистик мусобақани авж олдириш тўғрисидаги мактуби асосида ўничи беш йилликнинг учинчи йилидаги вазифаларни муҳокама қилдилар. Қурултойни Қашқадарё область партия комитетининг биринчи секретари Р. Ғ. Ғоппов очди. Область ижроия комитетининг раиси Б. Э. Элбоев доклад қилди.

Докладчи, шунингдек Ульянов район партия комитетининг биринчи секретари А. Умиров, Шаҳрисабз район ижроия комитетининг раиси М. Муҳаммадиев, Косон район партия комитетининг биринчи секретари Д. Тўлаганов, Камаши районидаги «Гулистон» совхози маккажўхорикорлар бригадасининг бошлиғи З. Пардаева, Усмон Юсупов районидаги 27-совхоз механик-ҳайдовчиси, ВЛКСМ XVIII съезди делегати М. Курбонова эришилган натижаларни ҳар томонлама анализ қилдилар, область қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш, унинг самарадорлигини, бутун иш сифатини оширишга қаратилган амалий тиклафларни киритдилар.

Нотиқлар КПСС Марказий Комитети 1977 йил декабрь Пленуми, ўртоқ Л. И. Брежневнинг Пленумда сўзлаган нутқи, КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг мактуби туфайли Қашқадарё меҳнаткашларида вужудга келган зўр гайрат-шижоат тўғрисида, улар 1978 йил топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун барча резервларни ишга солишга интилаётганликлари ҳақида ганирдилар. Техника ремонтини ўз вақтида тугаллаш, кўкламги экишга ҳар томонлама ва пухта тайёргарлик кўриш, чорва қишловини уюшқоқлик билан ўтказиш зарурлиги кўрсатиб ўтилди. Сўзга чиққан кишилар деҳқонлар билан чорвадорларнинг энг муҳим вазифаси — мусобақа илғорларининг тажрибасини кенг оммалаштиришдан, ҳар гектар ердан юксак самара олишга, ҳар бир бригада, ҳар бир фермaнинг яхши ишлашига эришишдан иборат эканлигини таъкидладилар. Қарши даштини ўзлаштириш, суториладиган янги ерларни фойдаланишга топшириш юзасидан берилган ҳамма топшириқлари муваффақиятли адо этиш — Қашқадарё меҳнаткашларининг фахрли бурчидир.

Қурултойда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов нутқ сўзлади.

1978 йилги социалистик мажбуриятлар яқдилик билан қабул қилинди. Ҳар гектар ердан ўрта ҳисобда камида 33 центнердан ҳосил кўтариш ва давлатга 550 минг тонна, шу жумладан 93 минг тонна ингичка толали пахта топшириш белгиланди. Дон етиштиришни 423 минг тоннага қадар етказишга, кўп миқдорда сабзавот, полиз маҳсулотлари, мева етиштириб, давлатга сотишга аҳд қилинди. Чорвачилик маҳсулдорлигини анча ошириш, ем-хашак етиштиришни 20 процент кўпайтириш кўзда тутилди.

Шу куни область ипподромида қишлоқ меҳнаткашларининг анъанавий «Ҳосил байрами» ўтказилди.

Кенг ипподром спортчилар мусобақаси майдонига айланди. Бадиий ҳаваскорлик коллективлари ўз маҳоратларини намойиш қилдилар.

Ўртоқ Федор Давидович КУЛАКОВга

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети Сизни, Коммунистик партия билан Совет давлатининг таниқли арбобини олтмиш ёшга тўлган кунингизда қизғин қутлайдилар.

Сиз партия ва давлат ишининг барча лавозимларида ўз куч ва тажрибангизни коммунистик қурилиш ишига, марксизм-ленинизмнинг буюк идеалларига садоқат билан ҳизмат қилишга бағишламоқдасиз.

Азиз Федор Давидович, Сизга чин қалбдан узоқ умр, сиҳат-саломатлик ва партиямиз ҳамда совет халқи бахт-саодати йўлида, коммунизм тантанаси йўлида бундан буён ҳам самарали ишлашингизни тилаймиз.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ — СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ — СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ЎРТОҚ Ф. Д. КУЛАКОВга СОЦИАЛИСТИК МЕҲНАТ ҚАҲРАМОНИ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Коммунистик партия ва Совет давлати олдидаги катта туғилган кунига олтмиш йил тўлиши муносабати билан КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари Федор Давидович **Кулаковга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони** унвони берилиб, унга **Ленин** ордени ҳамда **«Урок ва болга»** олтин медали топширилсин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. БРЕЖНЕВ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль.
1978 йил, 3 февраль.

МУКОФОТЛАР ТОПШИРИЛДИ

Республика халқ хўжалиги ходимларидан, фан ва маданият арбобларидан катта бир группаси 3 февраль куни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумида тўпланди. Бу ерда уларга Ўзбекистон ССРнинг Фахрий унвонлари берилганлиги тўғрисидаги гувоҳномалар ва кўкракка тақиладиган тегишли нишонлар, шунингдек республика Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиқлари тантанали вазиятда топширилди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. М. Матчонов мукофотларни топшириб алоҳида ўрнак кўрсатган ўртоқларни самимий муборакбод қилди, Уларга сиҳат-саломатлик, ишларида ва ижодий фаолиятларида муваффақиятлар тилади.

(ЎзТАГ).

ДЎСТОНА СУҲБАТ

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин ва КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Ташқи Ишлар министри А. А. Громико билан Миллий фронт бирлашган сиёсий ташкилоти Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ЯХДР Бош министри А. Н. Муҳаммад ва Миллий фронт бирлашган сиёсий ташкилоти Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ЯХДР Ташқи Ишлар министри М. С. Мутийя ўртасида 3 февраль куни Кремлда суҳбат бўлиб ўтди.

Сиёсий, иқтисодий соҳаларда ва бошқа соҳаларда икки томонлама Совет — Жанубий Яман муносабатларига доир масалалар юзасидан, шунингдек актуал халқаро проблемалар юзасидан фикрлашув давом эттирилди.

Суҳбат самимий, дўстона вазиятда ўтди.

(ТАСС).

РЕЗЕРВЛАРДАН ТЎЛАРОҚ ФОЙДАЛАНАЙЛИК

Республика Госкомиздатининг корхоналари ва ташкилотлари юбилей йилида юксак кўрсаткичларга эришди. Соҳа республика активининг Тошкентда бўлиб ўтган йиғилишида шу корхона ва ташкилотлар беш йиллик учинчи йилида янги, янада юксак марраларга эришишга ҳаракат қилаётганликлари тўғрисида гап борди. Йиғилиш меҳнат коллективларининг КПСС Марказий Комитети 1977 йил декабрь Пленуми, КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг социалистик мусобақани авж олдириш тўғрисидаги мактубидан келиб чиқадиган вазифаларини муҳокама этди. Ўзбекистон ССР Госкомиздатининг раиси З. И. Есенбоев доклад қилди.

Йиғилиш қатнашчилари ишлаб чиқариш резервларидан тўлароқ фойдаланиш, иш сифатини янада яхшилаш борасида кўрилаётган тадбирлар тўғрисида гапирдилар. 1978 йил учун оширилган социалистик мажбуриятлар қабул қилинди.

Йиғилиш ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари О. У. Салимов қатнашди.

(ЎзТАГ).

НОЁБ ЭКСПЕРИМЕНТ ПОЁНИГА ЕТКАЗИЛДИ

УЧИШНИ БОШҚАРИШ МАРКАЗИ, 3 февраль. (ТАСС). Бугун космонавтлар Юрий Романенко билан Георгий Гречко «Прогресс-1» автомат юк-ташиш кемаси орбитага келтирган ёнилғи билан «Салют-6» станцияси бакларини тўлдириш ишларини якунловчи босқичини ўтказдилар.

Экипаж эрталабки биринчи радио алоқа сеансида станция бакларини оксидловчи модда билан тўлдириш борасидаги тайёргарлик операциялари белгиланган графикка мувофиқ бажарилаётганлигини маълум қилди.

Космонавтлар «Прогресс-1» транспорт кемаси билан «Салют-6» станциясининг ёнилғи қуйиладиган магистраллари, идишлари герметиклигини контроль текширувдан ўтказганларидан сўнг, станция бакларини оксидловчи моддага тўлдириш ишларини бошлаб юбориш учун бошқариш пультларидан командалар бердилар. Бакларни ёнилғига тўлдириш жараёни экипаж билан учишни бошқариш марказидаги мутахассислар назорати остида ўтди.

Шундай қилиб, космик учишлар практикасида илк бор киши бошқарадиган орбитал станция бакини ёнилғига тўлдириш ноёб техник эксперименти бажарилди. Транспорт кемаси билан станциянинг ёнилғи қуядиган магистраллари, баклари герметиклигини текширишни, станциянинг ёнилғи бакларидаги қисилган газни компрессорлар ёрдами билан тортиб олиш ва станция бакларини ёнилғи компонентлари билан тўлдиришни ўз ичига олувчи шу ишларнинг ҳамма босқичларида космосда бак тўлдириш янги системасининг ҳамма приборлари ва агрегатлари бекаму-кўст ишлади.

Космонавтлар Юрий Романенко билан Георгий Гречко тайёргарлик ишлари ва бакларни тўлдириш чоғида учишни бошқариш марказининг мутахассислари билан ҳамкорликда яхши ишлаб орбитал станция баклари ҳисоблаб қўйилган муддатларда тўлдирилишига эришдилар.

Орбитал космик комплекс экипажи илмий-техника тадқиқотлари ва экспериментлари программасини бажаришда давом этмоқда.

Романенко билан Гречко ўртоқлар соғ-саломат ва ўзларини яхши ҳис қилмоқдалар.

КЎП НУСҲАДА

Сиёсий адабиёт нашриёти КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари Ф. Д. Кулаков танланган нутқлари ва мақолалари тўпламини чоп этди. Китобга 1965—77 йиллардаги даврда сўзланган нутқлар, докладлар ва ёзилган мақолалар киритилган бўлиб, улар КПССнинг ички ва ташқи сиёсий фаолияти актуал масалаларини ёритиб беради. Аграр сиёсат ва ҳозирги босқичда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш масалалари китобда катта ўрин олган.

«Танланган нутқлар ва мақолалар» тўплами партия ва хўжалик активларига, пропагандистларга, илм-фан мутахассислари ва олимларига, шунингдек бошқа китобхонларнинг анча кенгроқ доираларига мўлжалланган. Тўплам кўп нусҳада нашр этилди.

Китоб Москвадаги «Красний пролетарий» босмахонасида чоп этилган.

(ТАСС).

ДЕЛЕГАЦИЯ ҚАЙТИБ КЕЛДИ

СССР Олий Совети Миллатлар совети ташқи ишлар комиссиясининг раиси, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитети секретари Б. Н. Пономарев бошчилигидаги СССР Олий Совети делегацияси 3 февраль куни Америка Қўшма Штатларидан Москвага қайтиб келди. Делегация АҚШ конгрессининг таклифга биноан расмий визит билан АҚШда бўлган эди.

ЎЗБЕКИСТОН МЕҲМОНЛАРИ

СССР билан дўстона алоқалар Руминия жамияти (АРЛУС) делегацияси бир неча кундан буён Ўзбекистонда меҳмон бўлиб турибди.

3 февраль куни меҳмонлар Совет Иттифоқи билан Руминия Социалистик Республикаси ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги шартноманинг 30 йиллигига бағишланиб ўтказилган республика пойтахти жамоатчилиги вакилларининг тантанали йиғилишида иштирок этдилар.

Йиғилишда делегация бошлиғи — Руминия матбуот агентлиги Ажерпресс бош директори И. Кумпэнашу нутқ сўзлади.

(ЎзТАГ).

ЗАРБДОР ЙИЛНИНГ УЛКАН МАРРАЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР САНОАТ, ТРАНСПОРТ, АЛОҚА, ИЛМИЙ ВА ЛОЙИҲАЛАШ-КОНСТРУКТОРЛИК ТАШКИЛОТЛАРИ, МИНИСТРЛИКЛАР, ИДОРАЛАР ВА САНОАТ БИРЛАШМАЛАРИ ХОДИМЛАРИНИНГ 1978 ЙИЛГИ

СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ

Барча совет кишилари каби Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳам шонли юбилей — Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги, СССР янги Конституциясининг қабул қилиниши туфайли сиёсий активлик ва меҳнат ғайрати гўят ўсган бир вазиятда 1977 йилда ижтимоий ишлаб чиқаришнинг барча участкаларида яхши натижаларга эришдилар.

Республика саноати корхоналарининг коллективлари КПСС XXV съездининг тарихий қарорларини бажара бориб, ишлаб чиқариш самарадорлигини ва иш сифатини ошириш учун, кам чиқим билан энг юксак натижаларга эришиш учун Бутииттифоқ социалистик мусобақасига қўшилиб, маҳсулотни реализация қилиш ва буюмларнинг энг муҳим турларидан кўпчилигини ишлаб чиқариш юзасидан 1977 йил планини муддатидан илгари, 21 декабрда бажардилар. Топшириққа қўшимча равишда 351 миллион сўмликдан зиёд маҳсулот реализация қилинди. Саноат ишлаб чиқариши ҳажми планда мўлжалланган 4,5 процент ўрнига 4,9 процент ортди. Меҳнат унумдорлиги анча кўпайди. 640 буюм давлат Сифат белгисини олишга сазовор бўлди.

Қурилиш ва монтаж ташкилотлари, фойдаланувчилар 1977 йилда 1976 йилдагига нисбатан 16 процент кўпроқ асосий фондларни ўзлаштирдилар. Улуғ Октябрь юбилейи кунига қадар Тошкент метрополитетининг биринчи навбати ишга туширилди. Сирдарё ГРЭСида ҳар бири 300 минг киловатт қувватли олтинчи ва еттинчи энергоблоклар, Фарғона ТЭЦида 100 минг киловатт қувватли турбогенератор, 35 киловатт ва ундан ортиқ кучланишли 600 километрдан зиёд электр линиялари ишга туширилди. Навоий цемент заводининг йилига 1 миллион 150 минг тонна маҳсулот ишлаб чиқарувчи биринчи навбати, Хива гилам комбинати, Бухоро ип-газлама комбинатида йигирув-бўяш корхонаси, Қувасой чинни заводи, Қашқадарё ва Сурхондарё областларида пахта тозалаш заводлари, Урганч ёғ-экстракция заводи, Андижон ва Нукусда сут заводлари фойдаланиш учун топширилди. «Ташселмаш», «Таштекстильмаш» заводлари, Янгийўл мебель фабрикаси, Маргилон аврли газламалар «Атлас» ишлаб чиқариш бирлашмаси ва бошқа корхоналарни реконструкция қилиш ҳамда техника билан қайта қуроллантириб, ишлаб чиқариш қувватларини ошириш ишлари давом эттирилди.

Қишлоқ меҳнаткашлари ўнинчи беш йилликнинг иккинчи, юбилей йилида фидокорона меҳнат қилдилар. Улар пахтадан рекорд ҳосил етиштирдилар ва социалистик мажбуриятларини анча ошириб бажариб, давлатга 5 миллион 680 минг тонна ана шу қимматли хом ашёни сотдилар. Ҳар гектар ердан ўрта хисобда 31,6 центнер ҳосил олинди. Пахта далаларимизнинг гвардиячилари бўлмиш механизаторлар алоҳида ташаккур ва миннатдорчиликка сазовор бўлдилар. Улар «зангори кема» бункерларидан 3 миллион 351 минг тонна пахта тўкдилар. Давлатга қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг бошқа турларини ҳам сотиш планлари ошириб бажарилди.

Транспортнинг барча турлари корхоналарининг коллективлари давлат планини муваффақиятли ado этдилар. Пландан ташқари 5 миллион 900 минг тоннадан зиёд халқ хўжалик юклари ташилди. Алоқа воситалари, телевидение ва радиоэшиттириш янада ривожлантирилди.

Беш йиллик учинчи йилининг вазифалари КПСС Марказий Комитетининг 1977 йил декабрь Пленумида аниқ белгиланди, бу вазифаларни бажаришнинг конкрет йўллари эса ўртоқ Л. И. Брежневнинг Пленумда сўзлаган нутқида, КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг «1978 йил планини тўла ва ошириб бажариш учун социалистик мусобақани кенг авж олдириш ҳамда ишлаб чиқариш самарадорлигини ва иш сифатини ошириш учун курашни кучайтириш тўғрисида» Совет Иттифоқи партия, совет, хўжалик, касаба союз ва комсомол ташкилотларига, меҳнаткашларга йўллаган Мактубида кўрсатиб берилди. Республика ихтиёридаги қудратли иқтисоий ва илмий-техникавий потенциалдан мумкин қадар тўлароқ, самаралироқ фойдаланиш — асосий вазифадир.

Бутун совет халқи каби Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳам КПСС Марказий Комитети 1977 йил декабрь Пленуми, тўққизинчи чақириқ СССР Олий Совети саккизинчи сессиясининг қарорларини қизғин мақуллашмоқдалар ва КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи партия, совет, хўжалик, касаба союз ва комсомол ташкилотларига, меҳнаткашларига йўллаган Мактубидан илҳомланиб, эришилган муваффақиятларни мустаҳкамлаш, 1978 йил планини муддатидан илгари бажариш ҳамда КПСС XXV съездининг тарихий қарорларини бажаришга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшишга аҳд қилдилар.

Ўзбекистон ССРдаги саноат, транспорт ва алоқа корхоналари ҳамда ташкилотларининг коллективлари 1978 йил учун қуйидаги социалистик мажбуриятларни қабул қиладилар.

САНОАТ

Асосий диққат эътибор ҳар бир меҳнат коллективи, ҳар бир район, шаҳар, областнинг давлат топшириқларини ҳамда социалистик мажбуриятларини тўла ва ошириб бажаришга, энг юксак меҳнат унумдорлигига эришиш учун барча имкониятлардан фойдаланишга, маҳсулотнинг сифатини муттасил яхшилаб, унинг техникавий даражасини, пишиқлиги ва чидамлигини оширишга, асосий фондлардан тўла фойдаланишга, хом ашё, материал, ёқилғи, электроэнергиядан рационал фойдаланишга, иқтисодий тежамкорликни кучайтириш, техника тараққиётини жадаллаштиришга, ишимизнинг ҳамма босқичларида барча участкаларида уюшқоқлик ҳамда интизомни оширишга қаратилади.

Саноат ишлаб чиқариши ҳажмини 1977 йилда эришилган даражага нисбатан 7,2 процент ўстириш таъминланади. Меҳнат унумдорлигини ошириш юзасидан бернлган топшириқ бир ярим баравар ортиғи билан бажарилади, ишлаб чиқариш ҳажми ўсишининг 75 процентига меҳнат унумдорлигини ошириш йўли билан эришилади. Пландан ташқари 20 миллион сўмликдан зиёд фойда олинади.

Саноат маҳсулотини реализация қилиш ва унинг энг муҳим турларини ишлаб чиқариш йиллик плани 1978 йил 21 декабрда бажарилади.

Йил планига қўшимча равишда 350 миллион сўмлик маҳсулот, шу жумладан халқ истеъмол қиладиган 70 миллион сўмлик мол реализация қилинади. Пландан ташқари 100 минг тонна кўмир, 160 миллион кубометр газ қазиб чиқарилади, 5 минг тонна пўлат, 5 минг тонна прокат, 90 минг тонна минерал ўғит, 50 минг тонна цемент, 45 минг тонна пахта толаси, 500 минг метр шойи газлама, 240 минг жуфт чарм пойабзал, 9 минг тонна ўсимлик мойи, 4 минг тонна серқаймоқ сут маҳсулоти ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарилади.

Янги техникани, илғор технологияни жорий этиш, материал ва энергетика ресурсларини рационал сарфлаш соҳасидаги ишда меҳнаткашларни кенг қатнаштириш йўли билан сарфлаш нормалари қисқартирилади ва 25 минг тонна қора металл, 33 минг кубометр ёғоч-тахта, 213 минг шартли тонна қозон-печка ёқилғиси, 11 минг тонна дизель ёқилғиси, 6,5 минг тонна автомобиль бензини, 246 миллион киловатт-соат электроэнергия ва 615 минг гигакалория ёқилғи-энергия тежалади. Механизациялаштирилган 350 поток ва автомат линиялар, 680 та механизациялаштирилган комплекс установка ва агрегатлар жорий этилади, 25 та автоматлаштирилган бошқарув системаси, 4 ҳисоблаш маркази ишга туширилади. Рационализаторлик таклифларидан фойдаланиш натижасида 115 миллион сўмдан зиёд маблағ тежалади.

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг техникавий даражаси, сифати, пишиқлиги ва чидамлилиги оширилади. Маҳсулот сифатини бошқаришнинг комплекс системаси ишлаб чиқаришга кенг жорий этилади, давлат Сифат белгиси қўйилган маҳсулотнинг салмоғи ўтган йилдагига нисбатан 1,6 баравар оширилади ва 450 хил буюмни энг юқори сифат категориясига ўтказиш учун аттестация қилинади.

Машиналар, механизмлар, приборларнинг 250 та янги тури, кийим-кечак, пойабзалнинг 2100 модели, газламалар ва маданий-маиший ҳамда рўзғорбоп буюмларнинг турлари ўзлаштирилади ва ишлаб чиқарилади.

Илмий-лойиҳалаш — конструкторлик ташкилотларининг ва олий ўқув юртларининг коллективлари илмий ва педагогик кучларни, моддий ва молиявий ресурсларни жамлаш йўли билан илмий тадқиқотларнинг самарадорлиги ва сифатини оширишни таъминлайдилар ва тугалланган ишларнинг ишлаб чиқаришга тез жорий этилишига эришадилар, техника билан қайта қуроллашишда, янги, анча мукаммал машиналар, механизмлар, приборлар ишлаб чиқаришни ўзлаштиришда, янги технология жараёнларини жорий этишда, маҳсулот сифатини яхшилашда корхоналарга бераётган ёрдамни кучайтирадилар.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг институтлари ўз куч-ғайратларини илмий тадқиқотларнинг самарадорлигини янада оширишга сарфлайдилар, пахта териш машиналарининг конструкцияларини такомиллаштириш, технология жараёнларини бошқаришнинг автоматлаштирилган системаларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш, қўёш ёрдамида сув иситадиган янги саноат ва рўзғорбоп қурилмаларни жорий этиш соҳасидаги ишларини давом эттирадилар, пландан ташқари 30 та илмий-тадқиқот ва амалий ишни, шу жумладан 15 та ишни СССР янги Конституцияси қабул қилинганлигининг бир йиллигигача бажарадилар.

ТРАНСПОРТ ВА АЛОҚА

Транспорт ходимлари халқ хўжалиги ва аҳолининг барча транспорт турлари хизматига бўлган талаб-эҳтиёжларини тўлароқ қондириш, юк ташиш планини муддатидан илгари бажариш ва планга қўшимча равишда камида 7 миллион тонна юк ташиш мажбуриятини оладилар.

Алоқа корхоналарининг ходимлари шаҳарларда ва қишлоқ жойларида алоқа воситалари иши сифатини анча оширишга эришадилар, 58,5 минг номерли телефония фойдаланиш станцияларининг қувватидан фойдаланиш коэффициентини 84 процентга, қишлоқ жойларида эса 81 процентга етказадилар. Моддий ресурслардан оқилона фойдаланиш юзасидан тадбирлар комплексини амалга ошириб бориб, 8,5 миллион киловатт-соат электроэнергия, 22 минг тонна бензин, 40 минг гигакалория иссиқлик энергияси ва 450 тонна металл тежалади.

Республикадаги министрликлар, идоралар ва бирлашмаларга қарашли корхоналар ҳамда ташкилотларнинг коллективлари 1978 йил учун қуйидаги мажбуриятларни оладилар.

ГЕОЛОГИЯ МИНИСТРЛИГИ

Мис запасларини кўпайтириш юзасидан йиллик ва беш йиллик планлар ҳамда плавик шпат запасларини кўпайтириш юзасидан йиллик план муддатидан аввал, СССРнинг янги Конституцияси қабул қилинганлигининг бир йиллигигача бажарилади.

Фойдали қазилмаларнинг қидириб топилган запаслари бирлиги қийматини пасайтириш йўли билан қўрғошин ва рух запасларини кўпайтириш планини 101 процент ва газ запасларини 105 процент бажариш таъминланади.

Ажратилган маблағлар ҳисобига белгиланган топшириқдан ташқари битта Копламатоғ кони дастлабки тарзда разведка қилишга тайёрланади.

Иккита янги нефть ва газ кони очилади ва геофизик методлар билан чуқур пармалаш учун перспектив майдонларни тайёрлаш плани 102 процент бажарилади.

Товар маҳсулоти ишлаб чиқариш йиллик плани 26 декабргача бажарилади ва пландан ташқари 135 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинади.

Илмий тадқиқот ишлари плани муддатидан олдин, 25 декабрда бажарилади, планга қўшимча равишда ажратилган маблағлар доирасида 10 та илмий ечим ишлаб чиқилади, 9 та илмий ечим ишлаб чиқаришга жорий этилади ва илмий ечимларни ишлаб чиқаришга жорий этиш йўли билан 4 миллион сўм миқдорида шартли тежамга эришилади.

Саноат корхоналарида меҳнат унумдорлиги йиллик планда белгиланганига нисбатан 0,3 процент оширилади.

Янги техникага доир 18 та тадбир жорий этилиб, 3,5 миллион сўм иқтисодий самара олинади. Янги техникага оид топшириқ 20 декабргача бажарилади ва топшириқлардан ташқари 4 минг метр қудуқ пармаланади. 1,3 миллион сўм иқтисодий самара берадиган камида 980 рационадизаторлик таклифи жорий этилади.

Техникавий хизмат кўрсатишни ва ремонт қилишни ташкил этишни яхшилаш йўли билан техникавий тайёргарлик коэффициенти планда белгиланган 0,78 ўрнига 0,8 га етказилади: геология-разведка ускуналари норматив коэффициенти кўрсатилган 0,75 ўрнига 0,77 га етказилади;

Камида 150 минг сўмлик моддий ресурслар, шу жумладан, 400 тонна қувур, 215 кубометр ёғоч-тахта, 310 тонна цемент, 900 тонна шартли ёқилғи, 700 минг киловатт-соат электроэнергия тежашга эришилади.

Пул билан таъминлашнинг барча манбалари ҳисобига 14 минг квадрат метр уй-жой, 200 ўринли болалар боғчалари, 13 та социал-маданий-маиший объектлар ишга туширилади.

16,8 минг кишига касб ўргатилади ва малакаси оширилади.

ЭНЕРГЕТИКА ВА ЭЛЕКТРЛАШТИРИШ МИНИСТРЛИГИ

Электр энергияси ва иссиқлик энергиясини реализация қилиш йиллик плани 28 декабрда бажарилади ва пландан ташқари 2,1 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади.

Планга қўшимча равишда 600 минг сўмлик фойда олинади.

Асбоб-ускуналарнинг планга мувофиқ тайёрлиги нормативлари 1,2 процент оширилади.

2600 та рационализаторлик таклифи, янги техникага доир 50 та тадбир ва меҳнатни илмий ташкил қилишга оид 325 та тадбир жорий этилиб, 11 миллион сўмдан ортиқ иқтисодий самара олинади.

Электр тармоқларидаги нобудгарчиликни ва ўз эҳтиёжларига электр энергияси сарфлашни камайтириш ҳисобига 47 миллион киловатт-соат электроэнергия тежаб олинади.

1 киловатт-соат электроэнергияси ҳосил қилиш учун ёқилғи сарфлаш салмоғи камайтирилади, шу йўл билан 14 минг тонна ёқилғи тежаб олинади. Ремонт қилинадиган барча агрегатларнинг капитал ремонти «аъло», «яхши» баҳолар билан бажарилади. Генератор ускуналарининг капитал ремонтда бўлиш муддати 2 процент қисқартирилади. Асосий асбоб-ускуналар ремонтининг смета қийматини камайтириш ҳисобига 120 минг сўм иқтисодий наф олинади.

Ишда авария 1977 йиллагига нисбатан камайтирилади, шу йўл билан истеъмолчиларни электроэнергия билан муттасил таъминлаш яхшиланади.

Сирдарё ГРЭСида 300 минг киловатт қувватли 8-энергоблок. Лекин номидаги Фарғона ТЭЦида соатига 420 тонна буг ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган қозон агрегати муддатидан барвақт 7 ноябргача ишга туширилди ва жами қуввати 1 миллион киловатт-ампер келадиган 35 киловольт ва бундан ҳам кўпроқ киловольтли подстанциялар, 1200 километр узунликдаги 35 киловольт ва бундан ҳам юқори кучланишли электр линиялари, умумий узунлиги 4160 километр келадиган 0,4-10 киловольт кучланишли электр линиялари 22 декабргача — энергетиклар кунигача ишга туширилади.

Қурилишда ва темир-бетон буюмлар ҳамда металл конструкциялар ишлаб чиқарадиган заводларда 35 тонна цемент ва 31 тонна металл тежалади. Рационализаторлик таклифларини, янги техникани ва қурилиш-монтаж ишларининг янги технологиясини жорий этиш йўли билан 600 минг сўм фойда олинади.

1500 нафар янги ишчи тайёрланади, 11450 ишчининг, 2500 инженер-техник ходимнинг малакаси оширилади.

ЕНГИЛ САНОАТ МИНИСТРЛИГИ

Маҳсулотни реализация қилиш ва буюмларнинг кўпчилик энг муҳим турларини ишлаб чиқариш юзасидан белгиланган йиллик план муддатидан илгари 25 декабрда бажарилади, меҳнат унумдорлиги 7 процент оширилади.

Пландан ташқари 45 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинади, маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришнинг 80 процентига меҳнат унумдорлигини ошириш йўли билан эришилади.

Планга қўшимча равишда 50 минг метр шойи газлама, 157 минг дона трикотаж буюм, 200 минг жуфт пайпоқ, 240 минг жуфт чарм-пойабзал, 5,2 миллион сўмлик тикилган буюмлар ишлаб чиқарилади.

Меҳнат унумдорлиги планга нисбатан 0,5 процент оширилади ва ишлаб турган корхоналарда ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтиришнинг ҳаммаси меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига таъминланади.

Ички хўжалик резервларини сафарбар этиш, иқтисодий тежашни кучайтириш йўли билан пландан ташқари 1 миллион сўмлик фойда олинади, Хива гилам тўқиш комбинатида ва Қувасой чинни заводида янги ишга туширилган қувватлар белгиланган муддатда ўзлаштирилади.

Илмий-техника тараққиёти суръатларини кучайтиришнинг кенг программаси амалга оширилади, янги техникага ва технологияга оид 230 та тадбир жорий этилиб, 6 миллион сўмлик иқтисодий самара олинади.

3000 та технология асбоб-ускунаси ўрнатилади, 18 та цех ва участка комплекс механизациялаштирилади ва автоматлаштирилади, 19 та поток механизациялашган линия жорий этилади. 3850 та рационализаторлик таклифни жорий этиш йўли билан 5,45 миллион сўм иқтисодий самара олинади.

240 та буюм давлат Сифат белгиси олишга тақдим этилади ва Сифат белгиси қўйилган маҳсулот салмоғи 9,9 процентга етказилади.

Ишлаб чиқариш жараёнларининг техника билан таъминланишини ошириш, технологиянинг операцияларини автоматлаштириш ва механизациялаштириш йўли билан қўл меҳнатининг салмоғи 2,2 процент камайтирилади.

Хом ашё ва материал сарфини камайтириш ҳисобига 71 тонна пахта толаси, 10 тонна сунъий шойи, 6500 минг квадрат дециметр хром-чарм товар, 140 минг квадрат метр газлама (тикиладиган), 13,5 миллион киловатт-соат электроэнергия, 42 минг гигакалория иссиқлик энергияси, 5200 тонна (шартли бирликда) қозон-печка ёқилғиси тежаб олинади.

Жами саҳни 41,2 минг квадрат метр келадиган уй-жой бинолари ва ётоқхоналар, 1540 ўринли мактабгача тарбия болалар муассасалари фойдаланишга топширилади.

Ҳар бир корхонада ишлаб чиқариш маданиятини ошириш, ишловчиларнинг меҳнат ва турмуш шароитини яхшилаш юзасидан тадбирлар амалга оширилади. Меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги тадбирлари учун 2,5 миллион сўм маблағ сарфланади. Асосий оммавий касбдаги 13,3 минг ишчи тайёрланади ва 65,2 минг ходимнинг малакаси оширилади.

ПАХТА ТОЗАЛАШ САНОАТИ МИНИСТРЛИГИ

Маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни реализация қилиш йиллик плани муддатидан аввал 22 декабрда бажарилади.

Планга қўшимча равишда 45 минг тонна пахта толаси, 3 минг тонна линт, 50 минг квадрат метр ўроб газлама, 400 тонна каноп толаси, 50 тонна кабелбоп калава ва 50 тонна рўзғорбоп арқон ишлаб чиқарилади. Маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришнинг 90 процентига меҳнат унумдорлигини ошириш йўли билан эришилади. Пландан ташқари 130 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинади ва 1977 йилдагига нисбатан ишлаб чиқаришни 1,3 процент ўстириш таъминланади. Меҳнат унумдорлиги планда белгиланганига нисбатан 1,4 процент оширилади.

Пахта толаси ва дуб толасини қайта ишлаш сифати яхшиланади. Истеъмолчиларга маҳсулотни белгиланган муддатда ва ассортиментда етказиб бериш таъминланади ҳамда «Союзглавлегпромсирьё»нинг йиллик нарядлари 25 декабргача бажарилади. Пахтакор хўжаликлар учун 15 апрелгача 230,9 минг тонна ҳажмида уруғлик чигит тайёрланади ва етказиб берилади.

Ишлаб чиқариш технологиясини янада такомиллаштириш, барча моддий ресурслардан оқилона фойдаланиш, иқтисодий тежамкорлик режимини кучайтириш, буюмларнинг ҳажмини камайтириш йўли билан камида 20,5 миллион киловатт-соат электр энергияси, 1500 тонна шартли ёқилғи, 180 минг квадрат метр ўроб газламаси, 178 тонна сим (ўроб лентаси), 5 минг тонна пахта, 40 тонна каноп толаси, 80 тонна цемент ва 50 кубометр ёғоч-тахта тежалади ҳамда планга қўшимча равишда 1,5 миллион сўм фойда олинади.

Пахта қуритиш ва тозалаш учун ишлатиладиган 2 та поток линия фойдаланишга топширилади, қўшимча равишда 56 та қуритиш барабани «Меҳнат» маркали йирик хас-чўпни тозалайдиган 140 та пахта тозалагич, 24 та тола тозалагич, 90 та линтер, 36 та линт тозалагич, 15 та «ров» маркали тола регенератори ва 5 та пресслаш қурилмаси ўрнатилади. ГОСТ нормалари доирасида ва камида 91 процент накидка билан пахта толаси ҳамда ишлаб чиқариладиган умумий маҳсулот ҳажмидан 96,5 процент линт ишлаб чиқаришга эришилади, узун толали каноп ўртача номери 0,03 га оширилади.

Санитария-соғломлаштириш тадбирлари плани 25 декабргача бажарилади, меҳнатни муҳофаза қилишни, техника хавфсизлигини ва санитария-гигиена шароитларини яхшилаш учун ажратилган 4 миллион 448 минг сўм маблағдаги маблағ ўзлаштирилади.

1750 та рационализаторлик таклифи жорий этилиб, бир йилда 1 миллион 500 минг сўм шартли иқтисодий самара олинади.

2200 янги ишчи тайёрланади ва 4000 ишчининг ҳамда 2000 инженер-техник ходим ва хизматчининг малакаси оширилади. Ходимлардан 13,1 минг киши иқтисодий таълимнинг барча турларига жалб этилади.

ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИ МИНИСТРЛИГИ

Маҳсулотни реализация қилиш йиллик плани муддатидан олдин, 20 декабрда бажарилади. Пландан ташқари 30 миллион сўмлик маҳсулот, шу жумладан маҳсулот сифатини яхшилаш ва унинг турини кўпайтириш ҳамда ишлаб чиқаришда нобудгарчиликни камайтириш ҳисобига 3 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинади, планга қўшимча равишда 9 минг сўмлик ўсимлик мойи, 1,6 минг тонна кондитер маҳсулотлари, 1015 тонна макарон ва 200 тонна табиий чой ишлаб чиқарилади.

Макарон ва маргарин маҳсулотлари ишлаб чиқариш юзасидан беш йиллиннинг уч йили плани 7 октябргача бажарилади.

23 та буюм давлат Сифат белгиси олиш учун аттестацияга тақдим этилади. Энг юқори сифат категориясидаги маҳсулот салмоғи 9,8 процентгача етказилади. 20 та сифатни бошқариш комплекс системаси жорий этилади.

Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми планда белгиланганига нисбатан 2,8 процент кўпайтирилади ва меҳнат унумдорлиги 2,1 процент оширилади. Ишлаб турган корхоналарда саноат маҳсулотини кўпайтиришнинг ҳаммасига меҳнат унумдорлигини ошириш йўли билан эришилади.

Фан-техника тараққиётига доир 21 та тадбир жорий этилиб, 750 минг сўмлик иқтисодий наф кўрилади.

Юк ортиш-туширишда ва ташиш ишларини механизациялаштириш ҳисобига қўл меҳнатининг салмоғи 2,2 процент камайтирилади. 670 рационализаторлик таклифи жорий этилиб, 1,1 миллион сўмлик иқтисодий самара олинади.

Моддий ва ёқилғи-энергетика ресурсларидан тежабтергаб оқилона фойдаланилади. Ишлаб чиқаришдаги нобудгарчиликни камайтириш йўли билан 150 тонна ун, 48 тонна ўсимлик мойи тежаб олинади. Сарфлашнинг белгиланган нормасидагига нисбатан 5200 минг киловатт-соат электроэнергия, 44 минг гигакалория иссиқлик энергияси, 3 минг 600 тонна шартли ёқилғи тежалади.

Оборот маблағларининг айланишини жадаллаштириш ҳисобига 2,7 миллион сўм нормаллаштирадиган оборот маблағлари бўшатилади. Планга қўшимча равишда 1,6 миллион сўм фойда олинади.

Ишлаб турган корхоналарни реконструкция қилиш ва техника билан қуроллантириш йўли билан чигитни қайта ишлаш қуввати суткасига 160 тонна, кондитер маҳсулотлари ишлаб чиқариш қуввати йилига 1,5 минг тонна оширилади.

8,1 минг квадрат метр уй-жой бинолари муддатидан илгари, ноябрь ойида ишга туширилади. Ишлаб турган ошхоналарда ўринлар сони 125 та кўпайтирилади.

Йил давомида 3000 ишчи тайёрланади, 4000 киши малака ошириш курсларида ўқитилади, 17 минг 160 киши иқтисодий таълимга жалб этилади.

МАҲАЛЛИЙ САНОАТ МИНИСТРЛИГИ

Маҳсулотни реализация қилиш йиллик плани 18 декабргача бажарилади. Пландан ташқари 12 миллион сўмлик саноат маҳсулоти реализация қилинади. Шу жумладан, қўшимча равишда 800 минг сўмлик тикувчилик буюмлари, 100 минг сўмлик тўқимачилик галантереяси, 100 тонна рўзғорбоп пахта ишлаб чиқарилади.

Меҳнатни, ишлаб чиқаришни ва бошқаришни ташкил этишни такомиллаштириш, иш вақтидан рационал фойдаланиш асосида меҳнат унумдорлиги плани 3,2 процент ошириб бажарилади ва тармоқда ишлаб чиқариш ҳажмини ўстиришнинг 65 процентига меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобидан эришилади. Ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш 10,2 процент кўпайтирилади.

Ички резервларни сафарбар қилиш ва иқтисодий тежамкорлик режимини кучайтириш ҳисобига пландан ташқари 483 минг сўм фойда олинади, 1,5 миллион киловатт-соат электроэнергия, 500 тонна шартли ёнилғи, 250 тонна қора металл прокати тежаб қолинади. Тошкент шаҳридаги ошхона мебеллари ва бошқа мебеллар заводида 13 автоматлаштирилган 2-дон маҳсулотларни комбинатларида штабель — қолиплаш қурилмаларини ишлатиш ўзлаштирилади. 450 рационализаторлик таклифи жорий этилишидан бир йилда 355 минг сўм маблағ тежаб қолинади. Ғалла қабул қилиш корхоналарининг моддий-техника базасини: бошоқли экинлар ҳосилини тайёрлаш корхоналарини 1 июнгача, маккажўхори ва шоли тайёрлаш корхоналарини 1 августгача тахт қилиб қўйиш таъминланади.

1040 нафар оммавий касбдаги ишчилар тайёрланади ва 490 ишчига турдош касблар ўргатилади. 2600 ходим иқтисодий таълимга жалб этилади.

МЕБЕЛЬ ВА ЁҒОЧСОЗЛИК САНОАТИ МИНИСТРЛИГИ

Маҳсулотни реализация қилиш йиллик плани 20 декабргача бажарилади. Пландан ташқари 3 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинади. Ялпи маҳсулот ишлаб чиқаришни 7,5 процент ва мебель ишлаб чиқаришни 8,5 процент ўстириш таъминланади. Меҳнат унумдорлиги пландагига нисбатан 0,5 процент оширилади. Ишлаб чиқариш ҳажмини ўстиришнинг 90 процентига меҳнат унумдорлигини ошириш йўли билан эришилади.

Бухоро, Урганч мебель фабрикалари, тажриба-техника заводининг коллективлари беш йиллиннинг уч йили планининг СССР Конституциясининг бир йиллиги кунида — 1978 йил 7 октябргача бажарилишини, пландан ташқари 1,2 миллион сўмликдан кўп маҳсулот реализация қилинишини таъминлайдилар.

Олмалиқ мебель фабрикасини реконструкция қилиш муддатидан илгари, 7 октябргача ниҳоясига етказилади ҳар йили 5 миллион сўмлик мебель ишлаб чиқаришга эришилади.

Хом ашё, материаллар ва меҳнат ресурсларидан янада самаралироқ фойдаланиш асосида 150 минг сўмлик хом ашё ва материаллар—150 минг киловатт-соат электр энергияси, 100 тонна шартли ёнилғи, 800 гигакалория иссиқлик энергияси тежаб қолинади, товар маҳсулотининг таннархи камайтирилади ва пландан ташқари 200 минг сўм фойда олинади.

7 та автомат линия, 45 та серунум позицион ускуналар, жами 180 минг сўм иқтисодий самара берадиган 114 та рационализаторлик таклифи жорий этилади, қўл меҳнатининг салмоғи 1 процент камайтирилади.

8 та янги турдаги буюмларни кўплаб ишлаб чиқариш ўзлаштирилади, 2 та буюмга давлат Сифат белгиси берилишига эришилади.

1200 янги ишчи тайёрланади, 1300 ишчининг ва инженер-техник ходимлар ҳамда хизматчилардан 100 кишининг малакаси оширилади, 1850 нафар ходим иқтисодий ўқишга жалб этилади.

(Давоми 3-бетда).

ЗАРБДОР ЙИЛНИНГ УЛКАН МАРРАЛАРИ

(Боши 2-бетда).

ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ САНОАТИ МИНИСТРЛИГИ

Маҳсулотни реализация қилиш беш йилликнинг уч йиллик топшириғи 8 декабргача ва 1978 йил плани 25 декабргача бажарилади.

Планга қўшимча равишда 5 миллион сўмлик маҳсулот, шу жумладан 50 минг тонна цемент, 5 минг тонна оҳак, 5 минг тонна ганч, 250 минг квадрат метр линолиум, деворбоп материаллар, 20 миллион дона шартли гишт, 100 минг квадрат метр ҳар хил керамик плиталар, 2 миллион дона (ярим литрлик қилиб ҳисоблаганда) шиша идиш, 2 миллион квадрат метр томга ёпиладиган юмшоқ материаллар, 25 минг кубометр табиий тош, мармар ва гранит блокларидан ишлаб қоплама материаллар, 18 минг тонна мармар кукуни, 300 минг сўмлик халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарилади.

Меҳнат унумдорлигини ўстириш юзасидан топшириқ 0,2 процент ошириб бажарилади. Кўп меҳнат талаб қиладиган ишларни механизациялаш даражаси 1 процент кўпайтирилади. Меҳнат унумдорлигини ўстириш суръатларини жадаллаштириш, маҳсулотнинг таннархини камайтириш ва сифатини ошириш ҳисобига пландан ташқари 0,5 миллион сўм фойда олинади.

1978 йилда Навоий цемент заводида янги прогрессив қуруқ усулда цемент ишлаб чиқарувчи икки линиянинг қувватини тезроқ ўзлаштириш. Ангрендаги қурилиш материаллари комбинатида рангли цемент ишлаб чиқаришнинг технология жараёнини ўзлаштириш чоралари кўрилади; 5 та технология линиясида пресслардан хом гиштни олиш ва уларни қуритиш вагонеткаларига тахлаш автоматлаштирилади. Бекобод цемент комбинатида 5-айланма печнинг узунлигини 140 метрга етказган ҳолда, модернизация қилинади. Бухоро графит-ганч комбинатида биринчи нав ганч ишлаб чиқариш ва шахта тегирмонларининг ишлаши ўзлаштирилади ва Фарғона шиша идишлар заводида шиша ишлаб чиқарувчи АП-106 иккита линиясининг ишлашига эришилади. Оҳангарон цемент комбинатида минерал пахта акустик плита-акмигранлар ва тук билан қопланган минерал-пахта акустик плиталар ишлаб чиқариш таъминланади.

Материаллар ва буюмларнинг сифатини ошириш ишлари давом эттирилади. Ҳар бир квадрат сантиметр ҳисобига цементнинг ўртача маркаси 0,5 килограммга оширилади. Олий маркали гишт чиқаришни 1 процент, биринчи сорт керамик плиталар чиқаришни 6 процент кўпайтирамиз. Сифат белгиси қўйилган маҳсулот ишлаб чиқаришни барча маҳсулот ҳажмининг 8 процентига етказамиз.

1,4 миллион сўм иқтисодий самара берадиган 1300 рационализаторлик таклифини ишлаб чиқаришга жорий этамиз. Меҳнатни илмий ташкил этиш планларини жорий этиш йўли билан бир йилда 600 минг сўм фойда оламиз. Қаттиқ иқтисодий тежамкорлик режимини амалга ошириш ҳисобига 8 миллион киловатт-соат электроэнергия ва 6 минг гигакалорий иссиқлик энергияси тежаймиз.

Жами сатҳи 21500 квадрат метр уй-жой биноларинч, 420 ўринли мактабгача болалар муассасалари, битта соғлиқни сақлаш пункти ва 310 ўринли ошхона фойдаланишга топширилади. 6550 ишчининг ва 2450 инженер-техник ходимнинг малакаси оширилади. Корхоналарда 4560 янги ишчи тайёрланади ва ўқитилади.

ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ БАЛИҚ ХЎЖАЛИГИ ДАВЛАТ КОМИТЕТИ

Маҳсулотни реализация қилиш йиллик плани 10 декабргача, беш йиллик уч йили плани эса СССР янги Конституцияси қабул қилинганлигининг бир йиллиги куни — 7 октябргача бажарилади. Пландан ташқари 2 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинади.

Йиллик планга қўшимча равишда 18 минг центнер балиқ етиштирилади ва овланади.

Планга қўшимча равишда 300 минг шартли банка балиқ консервалари, 350 центнер дудланган балиқ маҳсулоти, 600 центнер озуқа уни ишлаб чиқарилади.

Меҳнатни илмий асосда ташкил этиш ва илғор технология тадбирларини жорий этиш, ички резервларни сафарбар қилиш ҳисобига меҳнат унумдорлиги пландагига нисбатан 1,4 процент миқдорда оширилади. Ишлаб чиқаришни механизациялаш ҳисобига қўл меҳнатининг салмоғи 0,6 процент камайтирилади.

Пландан ташқари 150 минг сўм фойда олинади. Планга қўшимча равишда 1,9 миллион шартли банка балиқ консервалари ва 200 центнер дудланган балиқ маҳсулоти давлат Сифат белгиси билан ишлаб чиқарилади ва Сифат белгиси қўйилган маҳсулот салмоғи ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмига нисбатан 16,6 процентга етказилади.

Балиқларнинг тухум қўйиши ва завод методи билан икра инкубациясини ўз вақтида ўтказиш натижасида 1978 йил 10 июлгача планга қўшимча равишда 95 миллион дона чавак олинади.

1978 йилда планга қўшимча равишда 25 миллион дона сеголет етиштирилади.

«ЎЗПЛОДООВОЩЧВИНПРОМ» АГРАР-САНОАТ БИРЛАШМАСИ

Саноат маҳсулотини реализация қилиш йиллик плани 10 декабргача бажарилади, пландан ташқари 17 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинади.

Ишлаб чиқариш ҳажмининг 1977 йилдагига нисбатан 4,6 процент ўсиши таъминланади.

Меҳнат унумдорлиги пландагига қараганда бир процент оширилади. Фонд самарадорлиги 1977 йилдагига нисбатан 0,5 процент кўпайтирилади. Пландан ташқари 15 миллион шартли банка консерва, 100 минг декалитр вино, 100 минг шиша шампанский, 500 минг декалитр вино материаллари, 1 миллион декалитр шарбат материаллари, 200 тонна қуруқ мева ишлаб чиқарилади. Пландан ташқари 1 миллион сўм фойда олинади.

Буюмларнинг 30 тури давлат Сифат белгиси олиш учун тақдим этилади ва Сифат белгиси қўйилган маҳсулот 37,2 миллион сўмлик ёки барча маҳсулот ҳажмининг 9,4 проценти миқдорида ишлаб чиқарилади.

Нобудгарчиликни камайтириш, хом ашёни, материалларни, энергетика ресурсларини тежаб сарфлаш йўли билан 22 минг декалитр вино материаллари, 1000 тонна мева-сабзавот хом ашёси, 3480 тонна шартли ёнилги, 1260 минг киловатт-соат электроэнергия тежаб қолинади.

250 минг сўм иқтисодий самара берадиган 220 та рационализаторлик таклифи жорий этилади.

Ишлаб турган корхоналарни реконструкция қилиш ва кенгайтириш, ташкилий-техникавий тадбирларни жорий этиш ҳисобига ишлаб чиқариш қувватларини кўпайтириш таъминланади. Мева ва узумни қайта ишловчи қувватлар 18 минг тонна, консерва ишлабчиқариш қувватлар 72 миллион шартли банка, вино қуйиш линиялари 350 минг декалитр кўпайтирилади.

Ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланишни яхшилаш ҳисобига улардан фойдаланиш коэффициенти консервалар бўйича 2,5 процент, вино бўйича 2 процент оширилади.

Янги Тошкент консерва заводида ишга туширилган ишлаб чиқариш қувватлари нормада белгиланган муддатдан икки ой илгари ўзлаштирилади.

Меҳнатни илмий асосда ташкил этиш тадбирлари амалга оширилади. Бу тадбирлар саноат ишлаб чиқариш ходимларидан 160 кишининг бошқа ишга ўтказилишини таъминлайди. 1850 янги ишчи тайёрланади.

АВТОМОБИЛЬ ТРАНСПОРТИ МИНИСТРЛИГИ

Халқ хўжалик юкларини ташиш беш йиллик плани 1980 йил 2 декабрда, пассажирлар ташиш плани 9 декабрда, аҳолига транспорт-маиший хизмат кўрсатиш плани 12 сентябрда бажарилади, беш йиллик пландан ташқари камида 23 миллион тонна юк, 103 миллион нафар пассажир ташилади, аҳолига 4,8 миллион сўмлик хизмат кўрсатилади. Беш йиллик мобайнида меҳнат унумдорлиги топшириқдан ташқари 2 процент оширилади ва ишлаб чиқариш ўсишининг 75 процентига меҳнат унумдорлигини ошириш ҳиссобига эришилади.

Халқ хўжалик юкларини ташиш йиллик плани 26 декабрда, автобуслар ва енгил таксомоторда пассажирлар ташиш плани 28 декабрда, саноат маҳсулоти реализация қилиш ва аҳолига транспорт-экспедиция хизмати кўрсатишдан даромад олиш плани 25 декабрда бажарилади.

Пландан ташқари 3,5 миллион тонна юк, 20 миллион пассажир ташилади. 600 минг сўмлик саноат маҳсулоти реализация қилинади, аҳолига қўшимча равишда 250 минг сўмлик хизмат кўрсатилади.

Автомобилларда юк ташишда меҳнат унумдорлигини ошириш топшириғи 0,3 процент, саноатда — 0,5 процент ошириб бажарилади. Юк ташиш ҳажми ўсишининг камида 74 процентига меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига эришилади.

Юк автомобилларидан фойдаланиш коэффициенти 0,67 га етказилади, уларнинг йўл юриш имкониятидан фойдаланиш коэффициенти 0,592 га, иш режими суткасига 10 соатга етказилади. Прицепларда юк ташиш ҳажми 1977 йилда эришилган даражадан 1,5 процент, контейнерларда, пакетларда ва тагликларда юк ташиш 6,5 процент кўпайтирилади.

Пассажирларга хизмат кўрсатишни янада яхшилаш тадбирлари амалга оширилади, камида 52 та янги автобус маршрутлари, шу жумладан қишлоқ жойларида 42 та янги автобус маршрутлари очилади.

Республика халқ хўжалигининг автомобиллар, двигателлар ва агрегатларни ремонт қилишга бўлган эҳтиёжи янада тўлиқ ва сифатли қондирилади.

Саноат корхоналарида автомобиль техникаси ремонти сифатини бошқаришнинг комплекс системаси жорий этилади. Автобуслар ҳаракатини контрол қилишнинг автоматик системаси жорий этилади ва бунинг эвазига Тошкент, Олмалиқ, Фарғона ва Андижон шаҳарларида автобуслар ҳаракати мунтазамлилиги анча оширилади. Ишлаб чиқаришга йилига 1,2 миллион сўмлик шартли тежам берадиган камида 2500 рационализаторлик таклифи жорий қилинади.

Юк ва пассажир ташиш ҳамда саноат ишлаб чиқариши ҳамма турларининг таннархи 0,3 процент камайтирилади, қўшимча равишда 2 миллион сўм фойда олинади. 12 минг тонна автомобиль ёнилғиси, 2200 киловатт-соат электр энергияси ва 40 минг гигакалорий иссиқлик энергияси ва 185 тонна металл тежаб қолинади. Оммавий касбдаги 18 минг ишчининг малакаси оширилади, 15 минг нафар иккинчи ва учинчи класс шоферлари тайёрланади.

АЛОҚА МИНИСТРЛИГИ

Даромад ва маҳсулот ҳажми юзасидан белгиланган йиллик план 30 декабрда бажарилади. Меҳнат унумдорлиги планда белгиланганидан 0,1 процент оширилади, маҳсулот таннархи планга нисбатан 0,1 процент камайтирилади, пландан ташқари камида 100 минг сўм фойда олинади.

Шаҳар ва қишлоқларда камида 58,5 минг номерли, шу жумладан пландан ташқари 2 минг номерли телефон станциялари қурилиши таъминланади.

СССР янги Конституцияси қабул қилинган куннинг бир йиллиги — 7 октябргача Бухоро областининг Кармана район марказида 1500 номерли автомат телефон станцияси, Советобод посёлкасида телевизион передатчик ва Самарқанд областининг Лангар-Советобод радиореле линияси-барвақт ишга туширилади, республиканинг барча шаҳарларида хат-хабарларни машиналарда элтиб беришни жорий қилиш ниҳоясига етказилади, шунингдек шаҳар ва қишлоқ автомат телефон станцияларининг қувватларини ошириш уч йиллик плани бажарилади. Қишлоқ телефон станциялари қувватларидан фойдаланиш коэффициенти 81 процентга, шаҳар телефон станциялари қувватидан фойдаланиш коэффициенти 84 процентга етказилади. Республиканинг 12 районида район ички телефон алоқаси, шу жумладан планга қўшимча равишда икки районда район ички телефон алоқаси тўла автоматлаштирилади.

Тошкент ва область марказлари билан шаҳарлараро телефон каналлари сони 240 та, областлар билан район марказлари ўртасидаги телефон каналлари 780 та кўпайтирилади, планга қўшимча равишда шаҳарлараро телефон каналлари масофаси 40 минг канал-километр узайтирилади.

2 миллион киловатт-соат электр энергияси ва 50 тонна ёқилғи-мойлаш материаллари тежаб қолинади. Илгига 750 минг сўмлик шартли иқтисодий самара берадиган камида 1150 рационализаторлик таклифи жорий қилинади.

Барча шаҳарлар ва район марказларида марказий ва республика газеталари газета чиққан куннёқ обуначиларга 100 процент етказиб беришга эришилади.

«Союзпечать» корхоналарининг товар оборати плани 29 декабргача бажарилади ва пландан ташқари 250 минг сўм даромад берилади. Чакана савдо тармоғида 50 та янги киоска очилади, шундан 10 таси қишлоқ жойларида очилади.

Пландан ташқари 500 нафар оммавий касб ходимлари тайёрланади ва 800 ишчи ҳамда инженер-техник ходимнинг малакаси оширилади.

ЎРТА ОСИЁ ТЕМИР ЙЎЛИ БОШҚАРМАСИ

Халқ хўжалик юкларини жўнатиш йиллик плани 30 декабрда бажарилади, пландан ташқари камида 350 минг тонна юк жўнатилади. Вагонларнинг оборати топшириқа нисбатан 0,01 сутка тезлаштирилади, статистик нагрузка ҳар бир вагон ҳисобига 0,05 тонна оширилади, вагонларнинг депо ремонтида туриб қолиш нормасини 0,4 соат камайтириш таъминланади.

Эксплуатацион ишларни такомиллаштириш ва вагонлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ҳисобига вагоннинг унумдорлиги 1 тонна-километр нетто, локомотивники 1 минг тонна-километр брутто оширилади.

Темир йўл воситалари билан юк ортиш-тушириш ишлари плани 100,5 процент бажарилади, юк ташишни маршрутлаштириш даражаси юкларни жўнатишнинг умумий ҳажмида 48,5 процентга етказилади.

Меҳнатни илмий ташкил этишни, янги техника ва илғор технологияни кенг жорий этиш, ишлаб чиқариш резервларидан фойдаланишни яхшилаш ва тежамкорлик режимини кучайтириш негизида меҳнат унумдорлиги 1977 йилда эришилган даражадан 1,8 процент оширилади, юк ташиш таннархи пландагидан 0,1 процент камайтирилади ва пландан ташқари камида 300 минг сўм фойда олинади.

Жорий ремонтга прогрессив технология жараёнларини жорий этиш ҳисобига ва ремонтга кетадиган вақтни қисқартириш ҳисобига депода ремонт қилинмаган локомотивлар нормадагидан 0,1 процент қисқартирилади, камида 9,5 минг тонна ёқилғи ва 1,3 миллион киловатт-соат электр энергияси тежаб қолинади.

Камида 3,2 миллион сўм иқтисодий самара берадиган 5200 рационализаторлик таклифи жорий этилади. Ниҳоясига етказилмаган қурилишлар ҳажми белгиланган нормага нисбатан 10 процент камайтирилади.

45,4 минг квадрат метр фойдали уй-жой саҳни битказиб топширилади, линия станциялари ходимларини саноат ва озиқ-овқат моллари билан таъминлаш яхшиланади, қўшимча равишда уч магазин, уч умумий овқатланиш корхонаси очилади.

Темир йўл техника мактабларида ҳамда индивидуал-бригада усули билан 11380 ишчи тайёрланади, ҳунар-техника билим юртларида 3930 ёш ишчи тайёрланади, 750 нафар раҳбар ва инженер-техник ходимнинг малакаси оширилади.

ЎЗБЕКИСТОН ГРАЖДАН АВИАЦИЯСИ БОШҚАРМАСИ

Асосий ишлаб чиқариш кўрсаткичлари бўйича йиллик план: транспорт авиациясида 30 декабрда, халқ хўжалигида авиацияни қўллаш бўйича 20 декабрда бажарилади. Сифат кўрсаткичларини яхшилаш ҳисобига пассажир ўринларининг банд бўлиши планда белгиланганидан 0,3 процент оширилади ва ҳар бир самолётнинг учишини ошириш ҳисобига қўшимча равишда 20 миллион пассажир-километр учишига эришилиб, пландан ташқари 100 минг сўм фойда олинади.

Меҳнат унумдорлиги 1977 йилдагига нисбатан 2,4 процент, шу жумладан планга нисбатан 0,1 процент оширилади, бунда иш ҳажми умумий ўсишининг 80 процентига меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига эришилади.

Самолётларнинг техника хизмати кўрсатишда бекор туриб қолиши белгиланган нормадагидан 0,5 процент камайтирилади, учишнинг мунтазамлилиги оширилади.

СССР Конституциясининг бир йиллиги куни — 7 октябргача Урганч, Тошкент. Қарши аэропортларидаги учириш-туширишни майдонлари реконструкция қилиб бўлинади.

Тошкент авиа корхоналарида ТУ-154 самолётларидан фойдаланиш ўзлаштирилади.

Наманган, Термиз, Андижон шаҳарларида аэровокзаллар қурилиши ниҳоясига етказилиб, фойдаланишга топширилади.

Республикада авиация химиявий ишларда «Ғўза зараркунандаларига қарши курашда биологик препаратлардан авиация йўли билан фойдаланиш» прогрессив технология усули 150 минг гектар майдонда жорий этилади.

Тошкент авиакорхонасида ҳисоблаш машинаси ўрнатилади ва фойдаланишга топширилади.

Техникадан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида Тошкент, Самарқанд ва Нукус авиакорхоналарининг АН-24 ва ЯК-40 самолётларидан фойдаланишнинг кооперациялашган усули жорий қилинади.

Учишнинг мунтазамлилигини ошириш мақсадида агрегатлар, материалларда, запас қисмлар комплектлилигини ошириш таъминланади.

Ёқилғи-энергетика ресурслари: 5 процент электр энергияси, 3 процент иссиқлик энергияси тежалади.

Рационализаторлик таклифларини жорий этиш, янги техника ва меҳнатни илмий ташкил этиш тадбирларидан йилига камида 620 минг сўмлик иқтисодий самара олинади.

Махаллий Советларнинг ижроия комитетлари билан биргаликда ҳисса қўшиб қатнашиш бўйича Тошкент ва Нукус шаҳарларида 4600 квадрат метр уй-жой фойдаланишга топширилади.

Самарқанд авиакорхонасида 2250 квадрат метр саҳили 36 квартирали уй қуриб фойдаланишга топширилади.

В. П. ЧКАЛОВ НОМЛИ ТОШКЕНТ АВИАЦИЯ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ

Ишлаб чиқариш ҳажми ва маҳсулотни реализация қилиш бўйича беш йиллиқнинг уч йиллик топшириғи 7 ноябргача бажарилади. Ишлаб чиқариш ҳажми пландаги 9,8 процент ўрнига ўтган йилдагидан 0,4 процент кўпайтирилади, меҳнат унумдорлиги эса топшириқда белгиланган 8,6 процент ўрнига 9,3 процент оширилади. Маҳсулот таннархи 10,6 процент камайтирилади. Пландан ташқари камида 100 минг сўмлик халқ истеъмоли моллари ва рўзғор буюмлари тайёрланади.

Ишлаб чиқариш қувватларидан, материаллар, молия ва меҳнат ресурсларидан яхшироқ фойдаланиш асосида ишлаб чиқариш самарадорлиги янада оширилади, асосий технологик ускуналарнинг, айниқса программали бошқариш станокларининг сменали коэффициенти оширилади. Кўп станокларга хизмат кўрсатиш кенг йўлга қўйилади ва кўп станокчилар сони 500 кишига етказилади.

Ишлаб турган салкам 20 минг квадрат метр умумий саҳндаги цех ва участкалар реконструкция қилинади, механизациялашган 18 омбор қурилади, юк ташиш учун унификация қилинган контейнерлар тайёрловчи технологик линия ишлаб чиқаришга жорий қилинади, рақамли программали бошқариладиган 55 станок ишлаб чиқаришга жорий қилинади. Фрезерлик ишларининг камида 60 процент ҳажми шу станокларда бажарилиши таъминланади, пайвандлаш ишлаб чиқаришнинг механизация даражаси 63 процентга етказилади. Корхонани бошқаришнинг автоматлашган системасини янада такомиллаштириш жорий этилади, қўшимча равишда оператив-календарь планлаштиришнинг 55 программаси, электрон-ҳисоблаш машиналари базасида технология жараёнларини ва маҳсулот сифатини бошқариш ишлаб чиқилиб, жорий этилади. Мана шу барча тадбирларни бажариш ҳисобига самолёт ишлаб чиқаришда меҳнат сарфи 13 процент камайтирилади. Халқ истеъмоли барча асосий моллари давлат Сифат белгиси аттестациясига қўйилиши ниҳоясига етказилади.

Бир йил ичида 270 тонна қора ва рангли металл, камида 5 миллион киловатт-соат электр энергияси ва 600 тонна шартли ёқилғи тежаб қолинади ва рационализаторлик таклифлари ҳамда ихтироларни жорий этишдан камида 1,8 миллион сўм иқтисодий самара олинади.

Бирлашма ишчиларининг 15 проценти малакаси оширилади ва иккинчи касбга ўргатилади, бирлашманинг ҳунар-техника билим юртлари ва ўқув ишлаб чиқариш цехлари базасида камида 900 ёш ишчи тайёрланади, ишлаб чиқариш маданияти ва эстетикасини ошириш тадбирлари амалга оширилади. Камида 1.000 оиланинг уй-жой шароити яхшиланади, 2 болалар комбинати фойдаланишга топширилади, пансионатлар, дам олиш зоналари ва пионер лагерларини кенгайтириш ва ободонлаштириш ишлари давом эттирилади.

БУТУНИТТИФОҚ «СОЮЗМАШХЛОПКОВОДСТВО» САНОАТ БИРЛАШМАСИ

Беш йиллиқнинг уч йили топшириғи ишлаб чиқариш ҳажми бўйича 27 декабрда бажарилади. 1978 йилда ишлаб чиқариш ҳажми пландаги 8,6 процент ўрнига 8,8 процент кўпайтирилади, меҳнат унумдорлиги топшириқда белгиланган 7,5 процент ўрнига 7,7 процент оширилади.

Пландан ташқари 2440 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинади. Шу жумладан, 25 трактор, 25 трактор прицепи, гербицидлар солдариги 50 мослама, 40 ғўзапоя юлиш-ғарамлаш, 10 та ПХП-1,8 пахта подборщиги, 200 та СЧХ-31 экиш аппарати, тракторлар ва қишлоқ хўжалик машиналари учун 240 минг сўмлик запас қисмлар, 50 минг сўмлик мебель фурнитураси, 2 дона агрегат станоги, 40 тонна ностандарт ускуна реализация қилинади.

Экиш машиналарига запас қисмлар етказиб бериш биринчи квартал плани 25 мартгача, пахта териш машиналарига запас қисмларни етказиб бериш тўққиз ойлик плани 15 сентябргача бажарилади.

Хўжалик ҳисобини янада такомиллаштириш, тежамкорлик режимини кучайтириш натижасида товар маҳсулоти таннархи планда кўрсатилганига нисбатан 140 минг сўмлик камайтирилади ва пландан ташқари 315 минг сўм фойда олинади. 1978 йилда 210 тонна металл, 4 миллион киловатт-соат электр энергияси, 7550 гигакалорий иссиқлик энергияси, 1180 тонна шартли ёқилғи тежалади.

Умумий саноат маҳсулоти ҳажмида давлат Сифат белгиси қўйилган маҳсулотлар салмоғини 1977 йилдаги 14,44 процент ўрнига 20,97 процентга етказамиз. Рационализаторлик таклифларини жорий этишда 1770 минг сўм тежам оламиз.

ХВА-1,2, ХВБ-1,8 табақалаб терадиган пахта териш машиналарини, УПХ-1,5В модернизацияланган кўрак чувиш машиналарини, қаттиқ каркасли Т-28Х4М трактори учун ОПХ-14 чанглатувчи мосламаси бўлган ОВХ-14 модернизациялашган пўркагичларини, пневмотормос системали трактор поездлари, халқ истеъмоли учун икки хил товарни ишлаб чиқаришга тайёрлашни ташкил этамиз ва оммавий равишда ишлаб чиқара бошлаймиз.

Пневмоподборщикли ва кичик ҳажмли тозалагич ўрнатилган 17ХВП-1,8 пахта териш машиналарининг биринчи саноат сериясини ишлаб чиқарамиз.

Ишлаб чиқаришга 4 та конвейер, 2 та автомат ва яримавтомат линияни, 8 та механизациялашган поток линияни 123 та автомат, ярим автомат, махсус ва агрегат станокларини жорий этамиз, 2 та комплекс механизациялашган участка барпо қиламиз. Барча ишларда механизация ва автоматлаштириш даражасини 63,4 процентга, асосий ишлаб чиқаришда эса 83,5 процентга, ташқи ҳамда цехлараро юк ташишда юк ортиш, тушириш, транспорт омбор ишларида 80,3 процентга етказамиз.

Эгилган профилларни қўлланишни 30600 тоннага, пластмасса деталларни 1180 тоннага, кукунли металлургия деталларини 235 тоннага етказамиз.

Ишлаб чиқаришнинг техник жиҳатдан асосланган нормалари салмоғини 81,2 процентга оширамиз. Типовой лойиҳалар бўйича 735 та иш жойини ташкил этамиз.

2440 янги ишчига касб ўргатамиз, 4450 ишчи ва 1330 инженер-техник ходим ва хизматчиларнинг малакасини оширамиз.

Тошкент трактор заводида 2 минг трактор ишлаб чиқарадиган, 1,2 минг тонна қиздириб штамповка қиладиган 15 минг квадрат метр ишлаб чиқариш майдонларига эга бўлган қувватларни ишга тушурамиз.

Социал тараққиёт планини бажара бориб, 200 ўринли ошхонани ишга тушурамиз пансионат объектларини, дам олиш зоналари, пионер лагерларини ёзги соғломлаштириш мавсумига ремонт қилиб тайёрлаб қўямиз, уй-жой фондини ҳамда социал-маиший биноларни қиш-қишки даврда ишлашга ўз вақтида тайёрлаб қўямиз.

Қишлоқ хўжалик техникасини ремонт қилишда ҳам оталиқдаги колхоз ва совхозларга материаллар, запас қисмлар билан ёрдам кўрсатамиз.

БУТУНИТТИФОҚ «УЗБЕКГАЗПРОМ» САНОАТ БИРЛАШМАСИ

Саноат маҳсулоти реализация қилиш йиллик плани 29 декабрда бажарилади. Йиллик планга қўшимча 1275 минг сўмлик маҳсулот, шундан 1020 минг сўмлиги СССР янги Конституцияси қабул қилинган кунгача — 7 октябргача реализация қилинади.

Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 1977 йилдагига қараганда 3,6 процент ортади. Меҳнат унумдорлиги 0,2 процент кўтарилади ва пландан ташқари 650 минг сўмлик фойда олинади.

Планга қўшимча 150 миллион куб метр газ, шу жумладан 120 миллион куб метр газ 7 октябргача қазиб олинади. Белгиланган пландагидан битта қудуқ кўп фойдаланишга топширилади, газ қудуқларидан фойдаланиш коэффициенти пландаги 0,93 ўрнига 0,95 га етказилади.

26 миллион киловатт-соат электр энергия, 70 тонна дизель ёнилғиси, 18 тонна металл иқтисод қилинади.

Рационализаторлик таклифларини жорий этиш ва меҳнатни илмий асосда ташкил қилиш ҳисобига 1 миллион 225 минг сўмлиқдан кўпроқ маблағ тежалади.

Янги техника ва технология тадбирларини жорий этиш ҳисобига йиллик самараси 1 миллион сўмлик иқтисодий фойда олинади.

1450 янги ишчи ўқитилади ва ишчи ҳамда инженер-техник ходимнинг малакаси оширилади.

«ЎЗБЕКТЕКСТИЛЬМАШ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ-ТЕХНИКА БИРЛАШМАСИ

Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва буюмларнинг кўпчилик турларини тайёрлаш бўйича йиллик план муддатидан илгари 28 декабрда бажарилади.

Планга қўшимча 800 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинади ва 1977 йилдагига қараганда саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 7 процент ортади.

Меҳнат унумдорлигини ошириш пландагига нисбатан 0,1 процент кўпаяди ва маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг 85 процент ўсишига меҳнат унумдорлигини ошириш йўли билан эришилади. Планга қўшимча 50 минг сўм фойда олинади.

«Р-260-5» ва «Р-192-5» маркали янги пилталаш машиналарининг дастлабки саноат туркумлари тайёрланади. «ПР-150-1» машинасининг давлат Сифат белгиси олишига эришилади ва Сифат белгиси билан тайёрлаб чиқарилаётган маҳсулотлар салмоғи беш йиллик планда белгиланганидан 3 процент ортиқ бўлиши таъминланади.

Механизациялашган меҳнат билан шуғулланувчи ишчилар 57 процентга етказилади, ярим автомат поток линия, 85 та ташкилий техникавий тадбирларни ишлаб чиқаришга жорий этиш ҳисобига 122 киши қўл меҳнатидан халос бўлади. Рационализаторлик ва ихтирочилик таклифларининг жорий этилишидан планга қўшимча 100 минг сўм иқтисодий самара олинади. 450 минг киловатт-соат электр энергия, 1500 гигакалория иссиқлик энергияси, 30 тонна қора ва 35 тонна рангли металл планга қўшимча иқтисод қилинади.

350 янги ишчи тайёрланади, 740 ишчининг, 80 инженер-техник ходим ва хизматчининг малакаси оширилади. Иқтисодий ўқувга 800 киши жалб этилади.

Оталиқдаги қишлоқ хўжалиги корхоналари коллективларига 9 минг сўмлик оталиқ ёрдами кўрсатилади.

«ЎЗБЕКХЛОПКОМАШ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ

Маҳсулот реализация қилиш плани муддатидан илгари 26 декабрда адо этилади, планга қўшимча 550 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинади, шундан пахта тозалаш саноати учун 16 та технология ускуналари, пахтани қайта ишлаш учун 6 та поток линия, 50 минг сўмлик эҳтиёт қисмлар планга қўшимча реализация этилади.

Меҳнатни ташкил этишни, ишлаб чиқариш ҳамда бошқарувни такомиллаштириш иш вақтидан рационал фойдаланиш асосида меҳнат унумдорлигини ошириш плани 0,1 процент зиёда бажарилади ва маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ўсишининг 75 процентига меҳнат унумдорлигини ошириш эвазига эришилади. Ишлаб чиқарилаётган машиналарга меҳнат сарфи 3 процент камаяди.

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифати ортади. Давлат Сифат белгиси билан тайёрланаётган буюмларнинг умумий ишлаб чиқаришдаги ҳажми 4 процентга етказилади. 2-секцияли ЧХЗМ2 «Меҳнат» пахта тозалагич ва СС-15А сепаратори давлат Сифат белгиси аттестациясига тақдим қилинади.

Тайёрлов пунктлари учун поток линияларнинг тажриба туркуми тайёрланади, сонли программа билан бошқариладиган учта станок жорий этилади.

Рационализаторлик таклифларини жорий этишдан 130 минг сўм иқтисодий самара олинади.

270 минг киловатт-соат электр энергия, 55 тонна шартли ёқилғи, 230 тонна қора металл тежалади.

Бош корхона пионерлар лагери қурилишидаги қурилиш-монтаж ишларининг 80 проценти адо этилади.

240 ишчи оммавий касбларга ўргатилади, 550 ишчининг малакаси оширилади. 280 инженер-техник ходим ва хизматчининг малакаси оширилади.

«СРЕДАЗЭЛЕКТРОАППАРАТ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ

Маҳсулот реализация қилиш ва буюмларнинг кўпчилик турларини тайёрлаш йиллик плани муддатидан илгари, 26 декабрда бажарилади.

Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариши ўсиши 1977 йилдагига қараганда 3 процент ортади. Меҳнат унумдорлиги пландагига нисбатан 0,4 процент ортади ва маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг жами ўсишига меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига эришилади. 10 минг сўмлик планга қўшимча фойда кўрилади.

Планга қўшимча тарзда 1150 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинади. Шу жумладан, 19 минг дона РПУ-I ва РПУ-II релелари, бошқарув шкафларидан 387 таси, АБ-25 автоматларидан 20 минг донаси ва бошқа маҳсулотлар планга қўшимча реализация қилинади. Пландан ташқари 100 минг сўмлик фойда кўрилади.

Янги техника бўйича 61 тадбир, битта механизациялашган поток линия жорий этилади. Натижада қўл меҳнатининг салмоғи 0,54 процент қисқаради.

Ишлаб чиқаришга 459 та рационализаторлик таклифларини жорий этиш натижасида 500 минг сўм иқтисодий самара олинади.

Бешта янги буюмни ишлаб чиқариш ўзлаштирилади. Жумладан, модернизация қилинган пакет включателлари, ТЭЦларнинг газ-мазут хўжаликлари учун комплект қурилмалар, технология муҳофазаси учун модернизация қилинган қурилмалар ва бошқа буюмлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилади. 14 буюм давлат Сифат белгиси аттестациясидан ўтказилади. Давлат Сифат белгиси билан тайёрлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг салмоғи умумий ишлаб чиқаришда 30 процентга етказилади.

690 минг киловатт-соат электр энергия, 70 тонна шартли ёнилғи, 266 тонна қора ва рангли металл иқтисод қилинади. «Чимён» пионер лагери муддатидан илгари фойдаланишга топширилади.

660 янги ишчи тайёрланади, 790 ишчи ва 110 инженер-техник ходимнинг малакаси оширилади, иқтисодий ўқувга 1297 киши жалб қилинади.

«ЭЛЕКТРОТЕРМ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ

Ички резервлардан фойдаланиш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва маҳсулот сифатини яхшилаш йўли билан маҳсулот реализация қилиш йиллик плани 27 декабргача бажарилади. Йиллик планга қўшимча 800 минг сўмлик маҳсулот, шундан 600 минг сўмлиги СССР янги Конституцияси 1 йиллиги кунигача реализация қилинади.

Планга қўшимча 1000 дона электр калорифер, СФОА-40 электрокалорифер қурилмаларидан 400 дона, Т-300 трансформаторларидан 60 та, трансформатор бошқарув занжирларидан 50 донаси ишлаб чиқарилади.

Йиллик планга қўшимча тарзда 13 минг сўмлик халқ истеъмол буюмлари ишлаб чиқарилади.

Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ўсиши 1977 йилга нисбатан 6,6 процент кўпаяди. Меҳнат унумдорлиги пландагига қараганда 0,8 процент ортади ва маҳсулот ишлаб чиқаришнинг жами ўсишига меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига эришилади. 10 минг сўмлик планга қўшимча фойда кўрилади.

Ишлаб чиқаришга янги технология ускуналаридан иккитаси, тўртта поток линия, 64 рационализаторлик таклифлари жорий этилади ва бу таклифларнинг жорий этилишидан 197 минг сўм иқтисодий самара олинади.

Қўл меҳнатининг салмоғи 3,5 процент камаяди, ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш 0,1 процент ортади.

(Давоми 4-бетда).

ЗАРБДОР ЙИЛНИНГ УЛКАН МАРРАЛАРИ

(Бошн 2, 3-бетларда).

240 минг киловатт-соат электр энергия, 10 тонна шартли ёқилғи, 334 тонна қора металл прокати, 2,5 тонна мис, 5,3 тонна лотун, 15,8 тонна алюминий тежалади.

150 нафар янги ишчи тайёрланади. 550 ишчининг, 70 инженер-техник ходимнинг малакаси оширилади ва иқтисодий ўқувнинг барча турларига 513 киши жалб қилинади.

Кадрлар қўнимсизлигини 2 процент камайтиришга эришилади.

«СРЕДАЗКАБЕЛЬ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ

Йиллик план муддатидан илгари 29 декабрда бажарилади, планга қўшимча 2 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланади.

Пландан ташқари 100 тонна мис оғирлигидаги очиқ кабеллар, 50 километр узунликда телефон кабеллари, 50 километр сигнал-блокировка кабеллари ишлаб чиқарилади.

Меҳнат унумдорлигини ошириш йиллик плани 0,5 процент ортиғи билан бажарилади, маҳсулот ишлаб чиқаришнинг жами ўсишига меҳнат унумдорлигини ошириш туфайли эришилди.

Моддий ресурслардан рационал фойдаланиш йўли билан 2250 минг киловатт-соат электр энергия, 1820 гигакалорий иссиқлик энергияси, 225 тонна шартли ёқилғи тежалади.

Реализация қилинадиган барча маҳсулотларнинг умумий ҳажмида Давлат сифат белгиси билан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар салмоғи 47 процентга етказилади.

1,5 миллион сўмлик иқтисодий самара берадиган янги техника бўйича 35 тадбир, 770 минг сўм иқтисодий самара келтирадиган 520 ихтиро ва рационализаторлик таклифлари жорий қилинади, қўл меҳнати салмоғи 0,5 процент камайтирилади.

Мис томирли ва резина изоляцияли уч томирли каротаж кабеллар тайёрлаш, геофизик бир томирли кабеллар ҳамда уч хил янги кенг истеъмол моллари тайёрлаш технологияси ўзлаштирилади.

Ишлаб чиқариш бирлашмаларининг кичик системалари бўйича «асосий ишлаб чиқаришни автомат бошқариш системаси» ва «моддий техника таъминотини автомат бошқариш системаси» вазифалари ишлаб чиқилади ҳамда жорий этилади. Қишлоқ хўжалиги учун кабель маҳсулотлари етказиб бериш плани белгиланганидан бир ой илгари адо этилади.

280 ишчи тайёрланади, 800 ишчи, 130 инженер-техник ходим ва хизматчининг малакаси оширилади. Иқтисодий ўқувнинг барча турларига 500 киши жалб қилинади.

«Камкабель» заводи ва Ўрта Осиё «Электроаппарат» бирлашмаси билан анъанавий социалистик мусобақа давом эттирилади.

ЛЕНИН НОМЛИ ТОШКЕНТ ЭЛЕКТРОН ТЕХНИКА ЗАВОДИ

Ишлаб чиқариш ҳажми ва буюмларнинг қўпгина турларини тайёрлаш бўйича йиллик план 27 декабрда бажарилади, планга қўшимча бир неча юз минг сўмлик жумладан, 100 минг сўмлик халқ истеъмоли моллари реализация қилинади.

Ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши пландаги 22 процент ўрнига 22,9 процент ортди. Меҳнат унумдорлигини ошириш топшириғи 0,9 процент ортиғи билан адо этилади, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ўсишининг 90 процентдан кўпроғига меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига эришилади.

Фондлар самарадорлиги 1977 йилдагига қараганда 12,5 процент ортди. Маҳсулот таннархи пландагига нисбатан 0,5 процент арзонлашади.

Ишлаб чиқаришни реконструкциялаш ва техникавий жиҳатдан қайта қуроллантириш ишлари давом эттирилади. Иккита автоматлашган ва механизациялашган линия, электрон қурилмалар билан бошқариладиган иккита ускуна жорий этилади. 26 номдаги махсус технология, контроль-ўлчов ва синаш ускуналари, меҳнат унумдорлигини икки марта ва ундан ҳам кўпроқ оширишга имкон берадиган еттита янги технология жараёнлари ишлаб чиқилади ҳамда жорий этилади. Шу тадбирларни амалга ошириш натижасида 3,2 миллион сўм иқтисодий самара олинади ва саноат—ишлаб чиқариш ходимларидан 400 киши бошқа участкага ўтказилади. Рационализаторлик ва ихтирочиликни кенг ривожлантириш асосида йилига 1,1 миллион сўм шартли тежам олинади.

Маҳсулот сифатини бошқаришнинг комплекс системасини жорий этиш ишларини давом эттириб, қайта аттестация қилинадиган Давлат сифат белгили маҳсулотлар салмоғи 30 процентга етказилади.

Хом ашё ва материаллар сарфлаш нормаси 1,8 миллион сўмлик камаяди. Шу жумладан 14 тонна қора металл прокати, 15 тонна рангли металл тежалади. 1,2 миллион киловатт-соат энергия иқтисод қилинади.

Қишлоқ меҳнаткашларига 170 минг сўм ҳажмида оталиқ ёрдами кўрсатилади.

3600 ишчи ва 580 инженер-техник ходимнинг малакаси оширилади, ишлаб чиқариш маданияти ва эстетикасини кўтаришга имкон берадиган тадбирлар амалга оширилади. 2,2 минг квадрат метр уй-жой, 480 ўринли ошхона ва буфетлар фойдаланишга топширилади, пионер лагери 40 ўринга кенгайтирилади, уч киши хизмат кўрсатадиган магазин қурилади.

«УЗБИТХИМПЛАСТ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ

Маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилиш йиллик плани муддатидан илгари — 28 декабрда адо этилади. Планга қўшимча 735 минг сўмлик маҳсулот, шу жумладан муқобил планга кўра, 250 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинади.

Ишлаб чиқаришнинг ўсиши 1977 йилга нисбатан 17,5 процент, маданий-маиший моллар ишлаб чиқариш 13,2 процент, рўзғор химияси моллари ишлаб чиқариш 12,3 процент ортди. Меҳнат унумдорлиги пландагидан 1,1 процент ортди ва маҳсулот тайёрлаш ўсишининг 75 процентига меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига эришилади, планга қўшимча 50 минг сўм фойда олинади.

29 та янги хил буюмлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилади, маҳсулотларнинг беш тури давлат сифат белгиси аттестациясига тақдим қилинади.

Рационализаторлик таклифларини жорий этиш ҳисобига 160 минг сўм иқтисодий самара олинади. Ишлаб чиқаришни механизациялаш ва автоматлаштириш тадбирларини амалга ошириш туфайли қўл меҳнати салмоғи камида 10 процент камаяди.

Жиззах пластмасса заводида 12 минг тонна ҳажмида полиэтилен ва поливинилхлорид қувурлар ишлаб чиқарадиган янги қувватлар фойдаланишга топширилади.

Тошкент синтетик ювиш воситалари заводида компонентларни дозалаш автомат системаси ўзлаштирилади, илмий тадқиқотлар қисмида пластмассадан 30 хил янги маҳсулот ишлаб чиқилади ва «Союзбитхим» заводларидан бирида полиэтилендан идишлар ҳамда пенополистирол буюмлар ишлаб чиқариш жорий этилади. Илмий тадқиқот қисмида тайёрланган намларни жорий этилишдан 1 миллион сўм ҳажмида аниқ иқтисодий самара олинади.

Илмий тадқиқотлар қисми бўйича Жиззах пластмасса заводида 1,2 миллион сўмлик кенг истеъмол моллари ишлаб чиқариш таъминланади. 290 минг киловатт-соат электр энергия, 400 гигакалория иссиқлик энергияси, 200 минг сўмлик материал ва хом ашё иқтисод қилинади.

80 янги ишчи тайёрланади, 900 ишчининг малакаси оширилади, камида 1100 киши иқтисодий ўқишга жалб қилинади.

Ўзбекистон саноати, транспорти, алоқаси, илмий ва лойиҳа конструкторлик ташкилотларининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневни ўзларининг бутун кучларини, билимларини, ижодий изланишларини ишлаб чиқаришда юксак кўрсаткичларни қўлга киритишга, социалистик мусобақани янада кенг авж олдиришга сафарбар қиладилар, 1978 йил топшириқларини ва социалистик мажбуриятларини бажаришни ҳамда ошириб адо этишни таъминлайдилар, жонажон партия XXV съезди тарихий қарорларини амалга оширишда янги ютуқларни қўлга киритадилар, деб ишонтирадилар.

СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАР КОРХОНАЛАР, ТАШКИЛОТЛАР КОЛЛЕКТИВЛАРИДА МУҲОКАМА ЭТИЛИБ, РЕСПУБЛИКА ПАРТИЯ-ХЎЖАЛИК АКТИВИ ЙИҒИЛИШИДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН.

ЁШЛАРНИНГ ШИЖОАТИ ВА ИЖОДКОРЛИГИ— САМАРАДОРЛИК ВА СИФАТ БЕШ ЙИЛЛИГИГА

ОБЛАСТЬ КОМСОМОЛ КОНФЕРЕНЦИЯСИДАН

Конференция бошланишига ҳали вақт бор. Делегатлар фойеда давра-давра бўлиб, қизғин суҳбатлашишмоқда, ўз режалари билан ўртоқлашишмоқда.

Бугун областимиз комсомолларининг энг илғор отряди бу ерга тўпланган. Улар орасида Бутуниттифоқ Ленин комсомоли мукофоти лауреати Тошкент тўқимачилик комбинатининг тўқувчиси Дилбар Қулматова, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати Чиноз районидаги «Партия XXIV съезди» совхози маккажўхорикорлик комсомол-ёшлар бригадасининг бошлиғи Абдурасул Эрназаров, Тошкент районидаги Навоий номли колхознинг ташаббускор сут соғувчиси Вазира Шобобоева, Ўзбекистон металлургия заводи электр билан пўлат эритиш комплекси бунёдкорлари, қўплаб ишлаб чиқариш илғорларини кўриш мумкин.

Комсомоллар ўзларининг XX ҳисобот-сайлов конференцияларига ташкилий жиҳатдан уюшган, ғоявий-сиёсий жиҳатдан чиниққан ҳолда келдилар. Ҳозир область комсомол ташкилотига 437,5 мингдан ортиқ ВЛКСМ аъзоси бирлашган. Кейинги икки йил ичида комсомол сафи 131 минг 857 нафарга ўсди ва мустаҳкамланди. Ҳисобот даврида бошланғич, цех комсомол ташкилотлари ва группаларнинг сони 1723 тага кўпайди.

Ҳисобот даврида комсомол йиғилишларининг роли сезиларли даражада ошди. Комсомол ташкилотлари қарорлар ижросига, танқид ва ўз-ўзини танқидга эътиборни кучайтирдилар.

Айниқса, Чирчиқ, Ангрен шаҳарлари, Юқори Чирчиқ, Оққўрғон, Октябрь, Ҳамза районлари комсомол комитетлари ташкилий-тарбиявий, оммавий-сиёсий ишларнинг савиясини янада кўтаришга эришдилар. Тошкент шаҳар комсомол комитети ёшларнинг авангардлиги ва ишчанлигини таъминламоқда. Уларнинг диққат-эътибори бажарилиши лозим бўлган энг муҳим масалаларга қаратиляпти.

КПСС XXV съезди, ВЛКСМ XVII съезди қарорлари асосида ёшларнинг марксча-ленинча илмий дунёқарашини шакллантириш мақсадида қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Ёшларни ғоявий-сиёсий жиҳатдан чиниқтиришга, меҳнат ва ахлоқий тарбиясини яна ҳам такомиллаштиришга эътибор кучайди.

Ҳисобот даврида комсомол маорифи системасида тўғарак ва семинарлар сони ўсди. Ҳозир мавжуд 3251 тўғаракда 9 мингга яқин комсомол-ёш ўз билимини оширмоқда. Комсомол ташкилотлари ўқувнинг савиясини ошириш мақсадида пропагандистлар билан ишлашнинг турли форма ва методларидан кенг фойдаланмоқда.

Мактаб комсомол ташкилотларининг авангардлик ролини ошириш энг муҳим вазифалардан биридир. Кейинги вақтларда кўпгина ёшлар мактабни битириб, ишлаб чиқаришга йўл олмоқдалар, кечки ва сиртқи бўлимларда ўқимоқдалар.

Ташкилий-тарбиявий, оммавий-сиёсий ишларнинг тўғри йўлга қўйилиши ишлаб чиқаришда катта муваффақиятларга олиб келмоқда. Юбилей йилида областимиз эришган зафарларда комсомол-ёшларнинг муносиб ҳиссаси бор. Ўтган йили 440 минг тонналик юксак хирмон кўтарилди. Юзлаб ёшлар «зангори кема» штурвалларига ўтириб, «оқ олтин» хирмонимизга барака киритдилар.

Областимиз ёш маккажўхорикорларининг юксак кўрсаткичлари ҳақида илик гапларни айтиш мумкин. Кўплаб бригадалар 100 центнердан ошириб «қаҳрабо дон» етиштиришга муяссар бўлдилар.

Буларнинг ҳаммаси областимиз комсомол-ёшларининг фидокорона меҳнатларини яна бир бор исбот этиб турипти.

— Юбилей йили социалистик мусобақасида, — деди конференцияда ҳисобот доклади қилган область комсомол комитетининг биринчи секретари Б. Камолов, — комсомол-ёшлар актив иштирок этдилар, давлат планлари, социалистик мажбуриятларнинг зиёдаси билан бажарилишига муносиб ҳисса қўшдилар. Комсомол-ёшлар ҳисобот даврида қўплаб ватанпарварлик ташаббуслари билан чиқишди.

Юзлаб ёш гвардиячилар Кремлда ва афсонавий «Аврора» крейсери олдида суратга тушиш шарафига эришдилар.

Комсомол-ёшлар Ватанимиз куч-қудратини оширмоқдалар, экономикасини юксалтирмоқдалар. Ҳисобот даврида область комсомол ҳаётида улкан воқеалар бўлиб ўтди. Ўтган йилнинг ўзида 2645 комсомол-ёш Ватаннинг зарбдор қурилишларига йўл олди. Қалб даъвати билан оғир участкаларда ишлаётган тошкентлик комсомол-ёшлар областимиз шарафини меҳнатда оқламоқдалар. Ҳозирда 45 та муҳим халқ хўжалиги объектлари комсомол оталиғидадир.

Конференцияда область комсомол ташкилоти ревизия комиссияси раиси М. Қодиралиев ревизия комиссиясининг ҳисобот докладини қилди.

Докладлар юзасидан музокараларга биринчи бўлиб Тошкент шаҳар комсомол комитетининг биринчи секретари Ш. Нусратов сўзга чиқди.

— Ҳисобот даври шаҳримиз ёшлари учун зарбдор меҳнат, ижодий камолот йиллари бўлди, — деди у. — Пойтахт шаҳар саноатчилари ўтган икки йилда улкан муваффақиятларни қўлга киритдилар. 14 мингдан ортиқ комсомол-ёш ВЛКСМ XVIII съезди очиладиган кунгача ярим йиллик топшириқни адо этишга сўз берди.

Конференция қатнашчилари СССР космонавт учувчиси, Тошкент область комсомол ташкилотида тарбияланган Владимир Александрович Жонибековнинг сўзларини зўр ифтихор билан тингладилар.

Бутуниттифоқ Ленин комсомоли мукофотининг лауреати, илғор тўқувчи Д. Қулматова мураббийлик ҳаракатини янада кучайтириш тўғрисида сўзлади.

Конференция делегатлари Ўзбекистон металлургия заводини кенгайтириш ва реконструкция қилиш республика зарбдор қурилиши штабининг бошлиғи Л. Чередманнинг сўзларини зўр қизиқиш билан тингладилар. Область комсомол ташкилотининг «Бекобод электр билан пўлат эритиш қурилишига—комсомол ғамхўрлиги!» чақириғи юзлаб йигит ва қизларнинг қалбига ўт солди. Янги комсомол-ёшлар бригадалари тузилди. Мана ҳозир комплекснинг биринчи навбати ишга тушиш олдида. Лекин ҳали «Бекобод магнитка»си қурилиши давом этади. Шу муносабат билан нотиқ комсомол-ёшларни зарбдор қурилишга чорлади.

«Шарқ» мебель ишлаб-чиқариш бирлашмасининг дурадгори А. Пузик кўпчиликнинг эътиборини илғорлар тажрибасини пропаганда қилиш, қолоқларсиз ишлаш ташаббусини янада кенг қўллаб-қувватлашга қаратди.

Оҳангарон районидаги Ворошилов номли совхоз маккажўхорикорлик комсомол-ёшлар бригадасининг бошлиғи Х. Абдураимова ўз тажрибаси ҳақида гапирди.

Докладчи ва музокарага чиққан Чирчиқ шаҳар комсомол комитетининг биринчи секретари И. Ҳожиев, Калинин район комсомол комитетининг биринчи секретари М. Жалилова, Ленин район комсомол комитетининг биринчи секретари Ш. Шукурова, Қуйи Чирчиқ районидаги «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозининг механик-ҳайдовчиси О. Орзикулова ва бошқа ўртоқлар ютуқларни таъкидлаш билан бирга камчиликларни ҳам рўй-рост очиб ташлашди. Нуқсонларни бартараф этиш йўлларини кўрсатдилар.

Кейинги йилларда маҳсулот сифатини яхшилаш йўлида таланг муваффақиятлар қўлга киритилди. Шу билан бирга камчиликлар ҳам юз бераяпти. Тошкент шаҳридаги 2-пойафзал фабрикаси ўтган йилнинг ўзида 147 минг жуфт пойафзалга рекламация олди. «Комсомол прожекторлари» қоғоздагича бор-у амалда фаолият кўрсатмайди.

Колхоз ва совхозларда техникани мавсумга тайёрлаш ишлари қизғин олиб борилаяпти. Лекин айрим жойларда бажарилаётган ишнинг сифати талаб даражасида эмас. Комсомол ташкилотлари бундай камчиликларнинг сабабларини аниқлашлари, уларни бартараф этишда ёрдам беришлари лозим.

Қишлоқ жойларда клублар ғоявий-эстетик тарбиянинг ўчоғи бўлмоғи лозим. Лекин айрим районларда клублар ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Ёшларнинг маданий хордиқ олишига хизмат қилмаяпти.

Қатор корхоналар ҳузуридаги ётоқхоналарда ҳам ғоявий-тарбиявий ишлар замон талаби даражасида олиб борилмаяпти. Кўп жойларда ётоқхона советлари ишламайди, оммавий-сиёсий ишлар олиб борилмайди.

Ташкилий ишларда ҳам айрим нуқсонларга йўл қўйилмоқда. Айрим корхоналар комсомол ташкилотлари ишлаб чиқаришда илғор ёшлар ҳисобига ВЛКСМ сафларини ўстириш ва мустаҳкамлашга етарлича ғамхўрлик қилмаяпти.

Конференция иштирокчилари КПСС Марказий Комитетининг 1977 йил декабрь Пленуми ва ўртоқ Л. И. Брежневнинг шу Пленумда сўзлаган нутқида баён этилган қонда ва хулосаларни ҳаракат программаси деб қабул қилиб бугун кечагидан, эртага бугунгидан самаралироқ ишлашга аҳд қилдилар.

Суратда: космонавт Владимир Жонибеков конференция делегатлари орасида. А. Абалян фотоси.

ЖОНИБЕКОВ: КОСМОСДАН ЎЗБЕКИСТОННИ КЎРДИМ

...Қор бўрони авжига миндани учун Тошкент аэропорти анчагача самолётларни қабул қила олмади. Фақат ярим тундагина Тошкент область комсомоли XX конференциясининг фахрий меҳмони тушган самолёт кўнишга рухсат олди: космонавт Владимир Александрович Жонибеков область комсомолларининг катта анжуманига ўз вақтида етиб келди.

Танаффусда уни делегатлар ўраб олишди. Ҳаммаларнинг тошкентлик космонавт таассуротларини эшитгиси келарди.

— Бугун қаранг, — Бойқўнғирда космоса старт олганимизда ҳам худди шунақа қор бўралаб турган эди. — Владимир Жонибеков майин жилмайиб гапида давом этди. — Лекин космонавтлар учун бунақа табиат ноқулайликлари писанд эмас. Фақат ҳаддан ташқари кучли шамол оқимигина ишга бироз ҳалақит бериши мумкин. Ўша куни биз дўстим, борт инженери Олег Макаров билан ҳеч қандай қийинчиликларсиз фазога парвоз этдик.

— «Союз-27» кемаси экипажи билан учрашганингизда нималарни ҳис қилдингиз?

— Жуда ҳаяжонландим. Юрий Романенко билан Георгий Гречколар космонавтика ишида анча тажрибали мутахассислардан ҳисобланишади. Шундай кишилар билан Ватаннинг масъулиятли топшириғини бажаришга киришиш биз учун гоят шарафли эди.

— Владимир Александрович, космосдан туғилиб ўсган юртингиз Ўзбекистонга ҳам кўзингиз тушдими?

— Албатта! Мен серқуёш республикамизни алоҳида қизиқиш билан қузатдим. Қор босган тоғлари, шўх дарёлари-ю, поёнсиз далалари жуда чиройли кўринди. Лекин айтиш керакки, буларни кўра билиш учун географияни жуда мукаммал ўрганган бўлиш лозим. Умуман, космонавтикада ҳамма фанларни пухта билиш талаб қилинади. Шунинг учун космонавт бўлишни орзу қилаётган ёш ҳамюртларимга билимларни аъ ўр чанқоқлик билан эгаллаш кераклигини яна эслатиб ўтмоқчиман.

Вазиятдан фойдаланиб Тошкентда олаётган таассуротларим ҳақида ҳам гапирмоқчи эдим. Тошкентга мен тез-тез келиб тураман. Чунки шу ерда ўсиб, улғайдим, пионер ва комсомол сафига кирдим. Лекин бу сафар шаҳримга алоҳида ҳаяжон билан қадам қўйдим. У ҳам мени ўзгача тароват билан, «оппоқ поёндоз» ёзиб кутиб олди.

Комсомол конференцияси ҳам жуда катта таассурот қолдирмоқда. Мен область комсомолларининг жанговар кайфиятларидан, меҳнат зафарларидан фахрланаман. Чунки ўзимни доим Тошкент фарзанди деб ҳисоблайман. Тошкент эса тинчлик, дўстлик, меҳнат шаҳридир.

Совет космонавтлари, шу жумладан ҳозир орбитада иш олиб бораётган дўстларимиз ҳам космосни тинчлик мақсадида тадқиқ этмоқдалар. Агар космосдан ерни кузатсангиз, унинг қанчалик гўзал эканлигини кўрасиз. Парвоз пайтида биз Осиё ва Африка қитъалари устидан учиб ўтдик. Бу икки қитъа манзаралари кишини маҳлиё қилиб қўяди. Шундай гўзал сайёрамизни ҳар қандай уруш, жанжалдан асраш керак. Совет халқининг, космонавтларимизнинг ҳам мақсадлари фақат шунга — Ер юзида тинчликни мустаҳкамлашга қаратилгандир.

Космонавт Владимир Жонибеков суҳбат охирида «Тошкент ҳақиқати» газетхонларига ўз истакларини ёзиб берди.

Владимир Жонибеков ўзи туғилган Бўстонлиқ районига ҳам боради. Саноатчилар, қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари, эски қадрдонлари, устозлари билан учрашади.

А. АБДУЛЛАЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

Уважаемым редакторам „Ташкент Ҳақиқати" С сердечным приветом от отряда космонавтов и с наилучшими пожеланиями.
Абдуллаев
3.2.78.

Редактор
А. ИСМОИЛОВ.

БИЗНИНГ АДРЕС: 70000, ГСП, Тошкент, ЛЕНИН проспекти, 41 | Редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748; масъул секретарь — 334808, 325353; секретариат — 325750. БЎЛИМЛАР: оммавий ишлар ва хатлар — 334048; партия турмуши — 325778; пропаганда — 325645; саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749; қишлоқ хўжалиги — 325647; маданият — 325558; адабиёт ва санъат — 325767; совет қурилиши — 325553; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733; рассом — 325645; фотомухбир — 325894

Р. 07464. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64583. Д—2337.